**IJTIMOIY-IQTISODIY FAKULTETI**

**TARIX KAFEDRASI**

| | |
|---|---|
| **Fakultet dekani:** | **Ochilov O'.S.** |
| **Kafedra mudiri:** | **Rahmonov K.J.** |

# BITIRUV MALAKAVIY ISH

**Mavzu:** **"Amerika hindularida matbuot va nashriyotchilik ishi "**

**5120300- Tarix (mamlakatlar va mintaqalar bo'yicha) bakalavr darajasini olish uchun**

**Tarix ta'lim yo'nalishi bitiruvchisi: Yunusova Baxshand Baxodirovna**

**Ilmiy rahbar: katta o'qituvchi Orziev M.Z.**

**Buxoro – 2016**

**Мундарижа**

**Кириш-------------------------------------------------------------------------3 - 7**

**I.боб. Америка маҳалллий худуларида матбуотчилик ва нашриётчилик ишларининг бошланиши-------------------------------------8-24**

**I.1 Америка ҳиндулари орасида маърифатпарварлик ғояларнинг тарқалиши. Чероки матбуотининг вужудга келиши -----------------------8-15**

**I.2 Дастлабки даврда ҳиндуларнинг матбуот ва нашриётчилик фаолияти-------------------------------------------------------------------------16-24**

**II.боб. Чероки матбуоти ва нашриётининг тарихий аҳамияти-25**

**II.1. Чероки матбуотидаги айрим мавзуар хусусида---------------25-33**

**II.2. Ҳиндулар матбуоти ва нашриётининг тугатилиши билан боғлиқ фикр мулоҳазалар------------------------------------------------------34-43**

**II.3. Чероки матбуот ва нашриётчилик ишининг тарихий тақдири ва аҳамияти-------------------------------------------------------------------------44-48**

**Хулоса-------------------------------------------------------------------------49-50**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати-----------------------------------51-53**

**Иловалар -------------------------------------------------------------------54-61**

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Буюк географик кашфиётлар даврида янги дунёнинг очилиши, Европадан Америкага кўчиб келувчиларнинг кўпайиши натижасида маҳалллий ҳиндуларнинг қирғин қилиниши, табий шароитлари оғир бўлган резервацияларга ҳайдалиши билан боғлиқ жараёнлар бошланиб кетди.

XIX аср бошларида ҳозирги АҚШ худудидаги маҳаллий ҳинду қабилалар келажаги хавф остида бўлиб, ўша давр АҚШ хукумати ва мавжуд ижтимоий – сиёсий тартиблар ҳиндуларни жисмонан йўқ бўлиб кетишига қаратилган. Туб жой ахолисининг қирғин қилиниши, ёки уларни табиий шароити оғир худудларга қувиб юбориб, ҳиндуларни резервацияларда (табиий шароити оғир худудларда маҳаллий ахолини мажбурий кўчириш ва улар устидан катъий полиция назорати ўрнатилган жой –Б.Ю) касаллик ва очлик натижасида ғайрий инсонийлик усуллар орқали уларни жисмонан йўқ қилишга бўлган уринишлар ўша давр АҚШ тарихининг шармандали сахифаларидан эди.

XIX аср бошларидаёк айрим ҳинду қабилалари миллий озодликка эришиш, ўзликни сақлаб қолиш, урф одат, анъаналар, хўжалик турларини сақлаб қолишнинг бирдан бир йўли маънавият маърифатпарварлик деб билдилар. Ушбу қабилаларнинг айримлари бу борада амалий ҳаракатлар қилиб, дастлаб ўз ёзувларига, кейинчалик эса матбуот ва нашриёт органларига эга бўлдиларки бу уларнинг кейинги тарихий жараёнларда уюшишларига ва бирдам бўлиб, барча ққийинчиликларни енгиб ўтишларига имкон яратди. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг: “Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг хақиқий тарихи ва ўзига хослиги, қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал

қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир[1]" , - деган сўзларини эслаш масала моҳиятини очиб беришига хизмат қилади.

Зулум ва адолатсизликка қарши қуролли курашдан маърифатпарварлик орқали кураш олиб бориш мақсадида Чероки қабилалари АҚШ худудидаги ҳиндулар орасида биринчи бўлиб ўз матбуот органларига эга бўлган эдилар. Улардан ўрнак олган яна тўрт қабила ҳам ўзларининг алифболари ва матбуотларига эга бўлганлиги учун ҳатто, АҚШ маъмурлари ҳам уларни "цивилизациялашган" қабилалари деб атай бошлаганлар[2].

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги шундаки, АҚШ ҳинду қабилалари орасида кенг қулоч ёйган маърифатпарварлик ғоялари ўз самарасини бериб ушбу қабилалалар тарих синовларидан ўта олганликлари ва халқ сифатида шаклланиб яшаб қола олганликлари билан белгиланади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**. Ушбу мавзу Ўзбекистон Республикасида ҳозирга қадар ўрганилмаган, янги мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади. Гарчи мавзу матбуотчилик тарихига оид бўлсада, ушбу мавзу тарихшунослигига оид асарлар ва уларнинг шарҳига оид бизда бирор фикр мавжуд эмас. Шу сабабли, биз мавзу тарихшунослигига оид асарларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни лозим топдик.

Биринчи гуруҳ адабиётларига энг аввало Чероки қабиласи томонидан нашр этилган матбуот саҳифаларидаги мақола ва хабарларни мавзу тарихшунослигига оид асарлар сирасига киритишни лозим топдик. Bishep, Z. Edear, F. Gibson E. Gieta, E. D. Houcker, I. Hiks, Jeams Tear, N. Joe and F. Wheler, M. Lavender and John Gibbs, E.Miranda, W. Miscelleous, J. Ross, F. Joyn, J. Peterson, W. Wudson, H. Wheler, I. Xarris[3] ва бошқаларнинг мақолаларини келтириб ўтишни лозим топдик.

[1] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент: Ўзбекистон. 1996. Б.27.

[2] Культура Индейцев – М.: Изд АН; 1963. – С. 327.

[3]Bishep "Shining Sun"(Порлаётган қуёш)//"The Cherokee Advocate"32-сон.1852 йил 28 сентябрь., "Constitution of Cherokee" ("Чероки конституцияси")// "Cherokee Phoenix" 1 – сон, 1828 йил, 21 февраль., "Children Station Letter" ("Болалар мактублари рукни")// "Cherokee Phoenix" 17 - сон, 1828 йил, 18июнь., Edear Z. "Press costs ("gazeta obuna narxlari o'zgardi")// "Cherokee Phoenix" Nyu Exota,18 - сон,1834 йил,12 март., Gibson F. "Act's of press" ("Нашриёт низоми")// "The Cherokee Advocate" Tehlequa 41 сон, 1873 йил, 8 февраль., E. Gieta. "Cherokee's Lodge circle"("Черокиларнинг маърифатпарвар тўгараги")// "The Cherokee Advocate "Nyu Jorjia

Иккинчи гуруҳ адабиётларига биз интернет сайтларини киритишни лозим топдик. Аммо, интернетнинг барча сайтларида ҳам биз танлаган мавзуга оид маълумотлар мавжуд эмас. Иккинчи бир томондан интернет маълумотларидан фойдаланганда манбанинг ишончлигига, шунингдек, ахборотнинг хавфсизлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Иккинчи гуруҳдаги адабиётларимиз сифатида қуйидаги интернет сайтларини келтириб ўтишни лозим топдик[4].

Учинчи гуруҳ адабиётларига биз ушбу мавзу юзасидан олиб борган илмий тадқиқот ишларни, яъни сўнгги йилларда чоп этилган айрим тезисларни киритишни лозим топдик. Чунки, Республикамизда ҳозирга қадар бу мавзуни миллий истиқлол ғояси тамойиллари асосида ўрганиш етарли даражада бўлмаганлиги сабабли, ўзбек тилида чоп этилган адабиётлар битирув малакавий ишда иқтибос сифатида келтирилмайди. Эндигина АҚШ ҳиндулари тарихига оид илмий изланишлар бошланганлиги боис бу борада фаолият олиб бораётган М. З. Орзиев ва Б. Б. Юнусова[5]ларнинг ишларидан айримларини келтириб ўтишни лози деб топдик.

---

58 - сон,1987 йил,18 март., Houcker E.D. “Press 1827 - 1829 for Cherokee Phoenix “ (“1828 - 1829 йиллар “Чероки Феникс” матбуотида нашр этилган эълонлар рўйхати)//“Cherokee Phoenix, and Indian’s Advocate” Nyu Exota. 11 - сон. 1829 йил.17 июнь., Hiks.I. “Mistake of E.Boudinot”(“Эллиас Боудинот хатолари”)// “The Cherokee Advocate” Nyu Exota 32 - сон.1852 йил 28 сентябрь., Jeams Tear “Agents for the Cherokee Phoenix”(“Чероки Фених газетаси учун тайинланган агентлар” )// “Cherokee Phoenix” Nyu Exota 23-сон, 1829 йил, 22 сентябрь., Joe N and Wheler F. “Castings of press distributer” (“Gazeta tarqatuvchilar uchun musobaqa”)// “Cherokee Phoenix” Nyu Exota 23-сон,1829 йил 22 сентябрь., Lavender M and John Gibbs “Information wanted”(“Газетхонлар учун суровномалар”)// “Cherokee Phoenix” Nyu York,18 - сон, 1831 йил,1май., Miranda E. “For The Cherokee Phoenix congratulations”(“Чероки Феникс учун табрик”)// “Cherokee Phoenix” 17 - сон, 1828 йил, 18 июнь., Miscelleous W. “To the Editors” (“Мақола муаллифларига мурожаат”)//“Cherokee Phoenix, and Indian’s A dvocate” Nyu Exota. 11 – сон, 1829 йил, 17 июнь., Марс. C “Female Seminaries”(“Аёллар семинариялари”)// “The Cherokee advocate” Техлеқуа. 82 – сон, 1884 йил, 29 март., Ross J. “Terra of Lands” //“Cherokee Phoenix , and Indian’s Advocate” Nyu Exota, 11 - сон.1829 йил, 17 июнь., .Joyn F. “Act’s of Cherokee” (“Чероке актлари”) //“Cherokee Phoenix, and Indian’s Advocate” Nyu Exota. 21 - сон. 1829 йил, 26 августь., Ross. J. “USA Congress”(“АҚШ конгресси”)//“Cherokee Phoenix, and Indian’s Advocate” Nyu Exota. 38 - сон.1829 йил, 30 ноябрь., Peterson J. “Printed machine by press The Cherokee Advocate” (“Чероки Адвокат газетасининг нашриёт ускуналари”)// “Nyu York Times “ Nyu York, 18 - сон, 1913 йил, 22 августь., Uiller “Act’s of Cherokee” (“Cheroke qabilalari aktlari”)// “The Cherokee Advocate” 32 - сон. 1852 йил, 28 сентябрь., W. Wudson “Program for Cherokee, Arapahoe, Chiena Nations”(“Ҳиндулар ҳудудидаги Чероке, Чиена, Арапахо қабилаларига нисбатан дастур”)// “The Cherokee Advocate “ Техлеқуа 56 – сон, 1896 йил, 25 июль., Wheler H “Cherokee’s Law”(“Черокее ҳуқуқлари”)// “Cherokee Phoenix” Ню Exota. 2 – сон, 1828 йил, 1 март., Wheler, Edear. “Press costs”(“Газета обуна нархлари ўзгарди”)// “Cherokee Phoenix, and Indian’s Advocate” Nyu Exota. 22 - сон. 1834 йил, 1 май., Xarris. I. “Alphabet for Cherokee”(“Черокилар учун алифбо”)// “Cherokee Phoenix” Техлеқуа. 24 - сон. 1828 йил, 13 августь.

[4] w.w.w.encuclopedia.com/1E1 Sequoyah.html., http://libraries.ou.ed/locations., http:// Wikipedia.org., w.w.w.Cherokee Phoenix.com., http//you tube//Fort Gibson

[5] Юнусова Б. “ АҚШ Ҳинду матбуоти тарихидан”// Бухоро Давлат Университети талабалар ва Педагог – ходимларнинг анъанавий 58- илмий –назарий конференцияси материаллари. Бухоро.2014. –Б. 5 – 6.,

**Мавзуни ўрганишдан мақсад ва вазифалар**. Биз танлаган “Америка ҳиндуларида матбуот ва нашриётчилик иши” мавзусидаги битирув малакавий ишни мазмунан ёритишда, XIX аср бошларида АҚШ ҳудудида яшовчи ҳиндулар орасида маърифарпарварлик ғояларининг тарқалиб бориш жараёнлари, черокиларнинг ўз алифбосини яратиши билан боғлиқ фикр мулоҳазалар, матбуотнинг вужудга келиш жараёнлари, дастлабки даврда черокилар матбуоти ва нашриётининг тараққий этиши ва ҳиндуларга бўлган қарашларнинг ўзгариб бориш жараёни, чероки матбуотидаги айрим долзарб масалалар ва уларнинг тавсифи, АҚШ томонидан Чероки матбуот органларининг ёпилиши ва унинг сабабалари, чероки матбуотининг тарихий тақдири ва унинг тарихий аҳамияти масалаларини ёритишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйди.

Юқорида келтирилган мақсадлардан келиб чиқиб, ўз олдимизга;

- АҚШ ҳудудида яшовчи ҳиндулар, хусусан черокилар орасида маърифатпарварлик ғояларининг кенг тарқалиш жараёнларига умумий тавсиф бериш;
- Чероки қабиласи вакиллари томонидан дастлаб “Чероки Феникс” ва кейинчалик “Чероки адвокат” матбуот органларининг ташкил этилиши жараёнларини тарихий далилларга таянган ҳолда тадқиқ этиш;
- Ташкил этилган матбуот органларининг дастлабки даврлардаги фаолиятига, шунингдек, нашриёт ишларининг боришига илмий нуқтаи – назардан баҳо бериш;
- Чероки матбуоти саҳифаларидаги ўз даврининг айрим долзаб масалалари юзасидан чоп этилган мақолаларни таҳлил этиш орқали илмий хулосаларга келиш;

---

Орзиев.М.З, Юнусова Б. Б. “Difficult ways edifying education”(Ибратли Маърифатпарварларнинг машаққатли йўли )//European Conference on Education and Applied Psychology.№5 International scientific conference. Вена. 2014. – p. 72 – 76., Орзиев М.З., Юнусова Б. Б. “АҚШдаги ҳинду матбуоти саҳифаларида табиат ва жамият уйғунлиги масалалари.//Бухоро Давлат Университети Фалсафа кафедраси томонидан Ўзбекистонла хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Муҳаммад Назарович Болтаев таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Фалсафанинг долзарб муаммолари “ мавзусида Республика миқёсидаги илмий-назарийконференция материаллари. - Бухоро. 2014. - Б. 39 - 40.

- Черокиларнинг “Чероки Феникс” ва “Чероки адвокат” матбуот органларининг фаолиятини тўхтатиш сабаблари ва омилларини ўрганиб чиқиб, ўша давр АҚШнинг ҳиндуларга нисбатан тутган ички сиёсатини таҳлил этиш;

- Чероки матбуот органларининг тарихий тақдири ва унинг аҳамияти хусусида фикр юритиш кабиларни ўз олдимиздаги вазифалар деб белгилаб олдик.

**Битирув малакавий ишнинг илмий – амалий аҳамияти**. Биз танлаган “Америка ҳиндуларида матбуот ва нашриётчилик иши” мавзусидаги битирув малакавий ишнинг илмий амалий аҳамияти шундан иборатки, мактаб, академик лицей, касб ҳунар коллежлари, хусусан олий таълим муассасаларида жаҳон тарихи, айниқса АҚШ тарихининг XIX ва XX аср бошларига оид мавзуларни ёритишда, амалий машғулотларда, очиқ маърузаларда қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, олий таълим муассасарижда ўтиладиган Этнология, Ибтидоий жамият тарихи фанларининг айрим мавзуларини ўқитишда ушбу битирув малакавий иш материалларидан фойдаланиш мумкин.

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши**. Битирув малакавий иш Кириш, икки боб, беш банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат ҳолда ёзилди.

## I.боб. Америка маҳалллий худуларида матбуотчилик ва нашриётчилик ишларининг бошланиши.

### I.1 Америка ҳиндулари орасида маърифатпарварлик ғояларнинг тарқалиши. Чероки матбуотининг вужудга келиши.

XIX аср бошларида АҚШ ҳукуматининг тазйиқи остида, Америка ҳудудида маҳаллий ҳинду қабилалари ўз хўжалик анъанларини юритиб, эркин ва озод яшайдиган худудлар тобора қисқариб бораётган ва ижтимоий – иқтисодий, ҳарбий – техник жиҳатдон қолоқ бўлган ҳиндуларнинг йўқолиб кетиш хавфи ортиб бормоқда эди. АҚШ хукуматининг маҳаллий қабилаларга нисбатдан олиб бораётган сиёсати зўрлик ва сиқиб чиқаришдан иборат эканлигини айрим қабилалар яхши англаб, ўзаро бирлашиш ва мустақилликни, миллий ўзликни сақлаб қолишга ҳаракат қилган эдилар. Шу сабабли бўлса керак, бир қатор қабилалар орасида ўз хуқуқларини англаш хиси улар орасида маърифатпарварлик ғояларининг тарқалишига сабаб бўлганлигини тарихий далиллар исботлайди. Жумладан, Чероки қабиласидан бўлган АҚШ армиясида хизмат қилган Секвоя[6] 1821 йилда илк бора ўз қабиласининг тилидаги товушларга мослаштириб силлабик (бўғинсимон) алифбосини яратади. У ўз алифбосини тарғиб қилишни ёш қизчасига ёзишни ўргатишдан бошлайди. Черокиларннг қабила кенгашида ўз қизчаси билан биргаликда алифбосидан фойдаланиш ҳақида қабиладошларига тушунчалар бериб, ёзувнинг ижтимоий ҳаётда муим аҳамиятга эга эканлигини исботлай олади. Секвоя алифбосида белгилар сони 85 та бўлиб, ўнгдан чапга, чапдан ўнга кўндалангига ёзилиши билан бошқа алифболардан фарқ қилган. Бу ҳиндулар тарихида бурилиш нуқтаси бўлиб, ҳиндуларнинг қолоқлиги ва маънавиятсизлиги хусусидаги фикрларга берилган улкан зарба эди.

[6] Секвоя (1770 - 1843 йй) яшаган Чероки ҳиндуларидан бўлган маърифатпарвар. Секвоя номи Америка қитъасида ўсадиган дарахт маъносида ҳам келади. Аммо, ҳиндуларда кишига ном қўйиш табиатда учрайдиган ўсимлик, ҳайвонлардан олиниши ҳам унитмаслик лозим. Секвоя ҳақида тўлиқроқ қаранг. w.w.w.encuclopedia.com/1E1 Sequoyah.html.

Эндиликда черокилар ўз ёзувлари орқали бир – бирларига мактублар ёзиб, муҳим воқеликлардан хабардор қилиб тура олардилар.

Ёзувнинг пайдо бўлиши, тезда черокиларнинг ўзлари яратадиган асарлар ва бошларидан ўтган воқеликларни жамланишига, бир сўз билан айтганда Чероки адабиётига асос бўлди. воқеликлардан барчани хабардор қилиш учун эса, матбуот органларини тузиш ғояси тез орада қабила оқсоқолларининг ҳам асосий мақсадларига айланди. Чероки алифбосининг яратилиши, ҳиндуларда матбуот органининг ташкил этилиши хусусида, нашриётчилик ишлари, босмахона ва босма апаратлари, уларни сотиб олиш, ижарага олиш каби масалалар хусусида «Чероки феникс» газетасининг 24 - сонида Исах Хариснинг “Чероки алифбосининг яратилиши” сарловхали мақоласи орқали билиб олишимиз мумкин. Мақола муаллифи алифбонинг яратилиши тарихи, уни Секвоянинг қабиладошларга ўргатиши шунингдек, ушбу алифбодан фойдаланиб, матбуот органи ташкил этиш олдидаги қийинчиликлар, ҳарф шрифтларини, босма ускуналар, таёрланиш, сотиб олиш муаммоларига ҳам тўхталиб, бу жараёнлар кескинлигини алохида ҳаяжон билан таъкидлаб, бу жараёнга ўзи гувоҳ бўлганлигини, бунинг учун эса такдирдан миннатдор бўлганлиги, секвоя билан яқинлигидан қалби фахр ва ифтихорга тўлганлигини ўз мақоласида ифодалайди[7].

Черокиларнинг маърифатпарварлигидан илҳомланган, уларга қўшни бўлган бир қатор қабилалар Крик, Чоктава, Чиқоваса, Семинол, Арапахо қабилалари ҳам тез орада ўз алифболарига эга бўладилар. Ўша давр АҚШ манбаларда улар цивилизациялаган қабилалар деган ном оладилар. Қисқа вақт ичида маърифатпарварларнинг сайи - ҳаракати билан Чероки қабиласи ўз матбуот органига эга бўлади. Ушбу қабила аҳли 1828 йил, 21 февралдан бошлаб АҚШ ҳинду қабилалари тарихида илк бора “Чероки Феникс” номли матбуот органини чоп этишни йўлга қўйишга муяссар бўладилар. “Чероки феникс” газетасининг биринчи ношири Чероки қабиласи вакили, христиан

[7] Xarris. I. “Alphabet for Cherokee”(Черокилар учун алифбо)//”Cherokee Phoenix”; Техлекуа. 24 – сон, 1828 йил, 13 – августь.

миссионер бўлган ва “Янги Аҳд” ни Чероки тилига таржима қилган рухоний Галмгин Уэтти эди. У 1828-1835 йилларда “Чероки Феникс” нинг нашр этилиб тўзилишида фидоийлик қилган асосий шахслардан бири эди[8]. Христиан руҳонийсининг газета ношири бўлиши АҚШ ҳукуматини бирмунча тинчлантириб, ҳинду қабилалари орасида христианликнинг тарғиб этишнинг самарали усули сифатида қаралган.

Газетани дастлабки муҳарири ва унинг чоп этилишига АҚШ конгресидан розилик олишга катта хизмати сингган Черокиларнинг сиёсий етакчиларидан бири бўлган Эллиас Боудинот матбуот уйининг очилиши ва газетанинг биринчи сони чиқилиши муносабати билан ўтказилган митингда нутқ сўзлаб, газетага “Феникс” номининг танланиши хусусида тўхталиб ўтади. у бундай ном қўйилишининг сабаблари хусусида тўхталиб ўтиб; “Бир вактлар АҚШ куйдириб қул қилган ҳиндулар маданиятидан феникс қуши яралиб, Америка осмони узра парвоз қилади, У қанотларидан бирида ҳинду қабилалариниг эрки, озодлигини ва яна бир қанотида аждодларининг рухи қулликга махкум этилган авлодларга мадад бўлиши, фениксниг нашриёт тимсоли қилиб олиниши сабабларидан бири[9]” - эканлигини қабиладошларига қарата сўзлаган нутқида келтириб ўтади. Черокиларнинг газета чоп этишига АҚШ конгрессидан рухсат олишида ҳиндуларнинг сиёсий етакчиси Жон Росснинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у ўз даврида черокилар ва АҚШ конгресси орасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи шахс эди. Айнан, Жон Росс Эллиас Боудинотни “Чероки Феникс” нинг муҳаррири этиб тайинланишида асосий ролни ўйнаган. Бу ҳақда қуйироқда батафсил тўхталиб ўтамиз. “Чероки Феникс” газетасининг 1828 йилнинг март ойида чоп этилган иккинчи сонида “Чероки хуқуқлари” номли мақола чоп этилиб, унда; “Черокиларнинг ўз тилларида газета чоп этиш истакларига АҚШ

---

[8] w.w.w.encuclopedia.com/1E1 Sequoyah.html

[9] Орзиев М. З., Юнусова Б. Б. “Difficult ways edifying education”(Ибратли Маърифатпарварларнинг машаққатли йўли )//European Conference on Education and Applied Psychology. № 5 International scientific conference. - Вена. 2014. – p. 72 – 76.

конгрессининг қаршилиги, бу черокиларни АҚШга қарши бирлаштирувчи минбарга айланиш мумкинлиги хавфи борлиги сабабли, конгресс дстлаб ҳинду матбуотига норозилиги, Жон Росс эса, агар газета АҚШ хукумати назортида босиб чиқарилса, ҳиндулар орасида бўлаётган воқеалардан бевосита хукуматнинг воқиф бўлиши ва чероки тили ўрнига секинлик билан инглиз тилининг ҳиндулар ижтимоий ҳаётига кириб бориши, газетада босиладиган мақолалардаги воқеъликлар гувоҳлар ва ҳужжатлар билан АҚШ хукумати ташкил этган матбуот назорати хизматидан (цензурадан) ўтсагина матбуотда чоп этишга рухсат этилиши[10]" - билан фикрларни келтириб, матбуот органини ташкил этишга рухсат олганлиги билан боғлиқ фикр мулоҳазалар келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин.

Маърифатпарварлик ва илм - фан ютуқларидан фойдаланиш Черокиларнинг жамиятда аста секинлик билан бўлса - да, мавқега эга бўлиб бориши кўзатилади. Ўша даврда миллатчи ва реакцион кучлар эса, бунга қаттиқ қаршилик қилганлиги дуч келган хусусидаги фикрлар ҳам Чероки матбуотида тез - тез учраб туради. Реакцион кучлар хукуматдан ҳиндуларга нисбатдан шавқатсиз бўлишини тобора кўпрок талаб қила бошлайдилар. Фикримизга мисол тариқасида "Чероки адвокат" газетасининг 1896 йил, 25 июль сешанба кунида нашр юзини кўрган 11 - сонида Индиана (ҳинду қабилалари жойлашган резервация худудининг тарихий адабиётларга номланиши – Б. Ю.) худудидаги Чероки қабиласи томонидан Техликуа шахрида чоп этилган ва ҳиндулар резервациясини назорат қилишда иштирок этаётган АҚШ армияси капитани Вудсон исмли шахснинг "Индиана худудидаги Арапахо, Чиено ва бошқа ҳинду қабилаларига нисбатдан дастур" деб номланувчи мақоласини кўрсатишимиз мумкин[11]. Ушбу дастурда капитан Вудсон ҳинду қабилаларининг маданиятини, урф – одатларини

[10] J.Ross.''USA Congress"(АҚШ конгресси )//"Cherokee Phoenix , and Indian's Advocate"Ню Эхота .38-сон.1829 йил.30 ноябрь

[11] W. Wudson " Program for Cherokee,Arapahoe,Chiena Nations"(Ҳиндулар худудидаги Чероке,Чиена,Арапахо қабилаларига нисбатан дастури) "The Cherokee Advocate " Техлеқуа .56-сон 1896 йил.25 июль

кескин танқид қилиб, уларни “Цивилизация” даражасига кўтариш борасидаги ўз қарашларини келтириб ўтади. Вудсоннинг фикрича, “Ҳинду қабилаларига ўзлари яшаб тўрган ер майдонларини мажбурий равишда бўлиб бериш керак, маданий анъаналарини ривожланишига йўл қўймаслик, аксинча уларни йўқ қилиш йўлида бориш зарур деб ҳисоблайди”[12].

АҚШнинг бу каби сиёсат натижасида XIX асрда АҚШ жамияти ва давлати томонидан бир қатор қабилалар урф - одати анъаналари, маданияти ва ҳаттоки ўша қабиланинг ўзи жисмонан йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлди. Уларнинг айримлари ҳақида тарихий манбаларда ҳам етарлича маълумотлар мавжуд эмас.

Ҳинду қабилалари орасида маърифатпарварлик ғояларининг тарқалишига, АҚШ ҳукумати томонидан ҳинду қабилаларни маънан ва жисмонан йўқ қилиб юборишга қаратилган сиёсат юритиш сабаб бўлди десак муболағa бўлмайди. Тарихий адабиётларда ҳинду қабилалари бўлиб ҳисобланган Чероки, Чиена, Арапахо, Чоктава, Чиковаса, Крик ва бошка бир қатор қабилаларининг миллий ўзликни сақлаш борасидаги ҳаракатлари, ҳиндулар орасидаги маърифатпарварлик ғоялари, ўзаро бирлашиши, ягона миллат ташкил этиш ғоялари XIX асрнинг 20 - 30 йиллардаёк кенг тарқалганлигини қайд этганлигини кўришимиз мумкин[13].

Ҳинду қабилалари орасида бошланган маърифатпарварлик ва тараққийпарварлик ҳаракатлари тез орада ўз самарасини берганлигини ҳам тарихий адабиётлардаги маълумотлар тасдиқлайди. Чероки қабиласи мисолида кўриладиган бўлса, ушбу қабиланинг вакиллари АҚШнинг ижтимоий - иқтисодий, маданий ва сиёсий хаётида ўша даврлардаёқ муҳим рол ўйнаган сиёсатчилар, ҳарбийлар, давлат ва жамоат арбобларини етиштириб чиқарганлигининг гувоҳи бўлинади. Мисол тариқасида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз. Жон Ролли Ридге (1827-1867 йй)

---

[12] W. Wudson ” Program for Cherokee,Arapahoe,Chiena Nations”(Ҳиндулар худудидаги Чероке,Чиена,Арапахо қабилаларига нисбатан дастури) “The Cherokee Advocate “ Техлеқуа .56-сон 1896 йил.25 июль

[13] Народы и религии Мира .М :”Наука”1999 Б.618

Калифорнияда чоп этиладиган машҳур “Sacrameno Bee” матбуот органи муҳаррири бўлиб, унинг “Хоакин Муриетонинг хаёти ва бошдан кечирганлари”, “Калифорниялик машҳур бандит” каби асарлари АҚШ адабиётининг кўзга кўринган намуналардаридан бўлиб ҳисобланади. Жон Милтон (1874 - 1947 йй), “Нью Йорк ирвинг пост” газетаси муҳаррири бўлиб етишиш билан бирга “уч оғайни”, “Кора Жек Эви” каби машҳур асарларнинг муаллифи ҳам бўлган. Бундан ташқари АҚШ президенти А. Линкольн билан яқин алоқада бўлган ва Нью - Йорка актёр бўлиш учун болалик давридаёқ келиб қолган Черокиларнинг сиёсий етакчиларидан бири бўлган Эллиас Боудинотнинг амакиваччаси, Френк Боудинот (вафоти 1864 й) АҚШдаги фуқаролар уруши даврида АҚШ армияси офицери ва уруш қахрамонларидан бири бўлиб етишган эди[14]. Бу каби мисолларни кўплаб келтириб ўтиш мумкин.

Реакцион руҳдаги ирқчилик тарафдорларидан бўлган капитан Вудсон ва унга ўхшаганлар эса, ҳиндуларнинг АҚШ жамиятида тутган ўрнини йўқ қилишга, уларни жисмонан йўқотишга ҳаракат қилганлар. Бу каби инсонларнинг асосий шиори икки ўртада жанжал чиқариб, АҚШнинг ҳарбий – техник устунлигидан фойдаланган ҳолда ҳиндуларни қириб юбориш бўлган. Капитан Вудсоннинг дастурида бу ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин. Унинг фикрича; “Ҳинду аъаналарини йўқ қилиш, тақсимлаб берилган ерга ишлашни истамаган, янги усулда хўжалик тартибларини юритишни хохламаган ҳиндуларга АҚШ хукумати ультиматум қўйиш, ультимацияда ишлаш ёки очлик деган масаласини кўндаланг кўйиш зарур. Шунингдек, давлат ғамхурлиги остида ҳиндуларни “мустақиллик йўлидан этиш зарур” дейди. Уларнинг ғояларини ифодалаган капитан Вудсон бунинг учун аввало қабила бошлиги лавозими ва уруғ – қабила бошқаруви тартиби ҳиндулар цивилизациясини ривожига қарши курашди. Ушбу фикрларни асослаш учун капитан Вудсон қуйидагича изоҳ беришга

[14] . http://libraries.ou.ed/locations

уринади: “Биз бу одамларнинг такдирини кафтимизда ушлаб турибмиз, Республикачи хукумат сифатида бу бизнинг вазифамиздир. Маданиятсиз ирқни олдинга ва тепага этишимиз керак” - деб мақола остига –АҚШ ҳинду масалалари бўйича агенти капитан Вудсон Оклахома худуди”[15] –дея имзо чекиш билан якунлайди.

АҚШ хукумати маъмурларининг бу каби дастур ва режаларини газетанинг қатор сонларида учратиш мумкин. Аммо, Черокиларнинг кўплаб маърифатпарвар етакчилари ўзларининг мақолалари орқали АҚШ маъмурларининг бу борадаги ҳаракатлар асл ниятини очиб ташлаганлигининг гувохи бўлишимиз мумкин. Айниқса, миллий истиқлол, миллий ўзликни англаш, этник яхлитликни сақлаб қолиш борасидаги ҳаракатлар “Чероки адвокати” газетасининг иккинчи даври бўлиб ҳисобланадиган 1869 - 1906 йилларда авж олган. Бу даврда ҳиндулар орасидан нафакат маърифатпарварлар, балки сиёсий рахбарлар ҳам етишиб чиққан бўлиб, ҳиндуларнинг АҚШ ҳукмрон доиралари билан курашларининг ғоявий раҳбарлари ўз даврининг энг илғор шахслари эди десак муболаға бўлмайди.

Ана шундай рахбарлардан Боундари Сюрвей (унинг мақолаларида Черокилар ва уларнинг ташқи олам, яъни АҚШдан бошқа давлатлар билан алоқалари ҳақидаги фикрлар устун мавқега эга бўлган), Вильям Коб (таълим резервация хаёти, ҳиндуларга АҚШ маъмурлари томонидан берилган лицензия, патент, хадиялар, белгиланган солиқлар, шунингдек, резервация худудида яшовчи ҳиндуларнинг АҚШ маъмурлари ва “Катта оқ ота” (ҳинду қабилалари томондан АҚШ президентини англаш учун ишлатиладиган ном). Илтимосномалар, аризалар таҳлили мазмуни унинг ижодида устун мавқега эга бўлган), Ванн (маҳаллий йиғинлар, ҳиндуларнинг биродарлик, ўзаро ёрдам ташкилотлари, аҳоли рўйхати унинг мақолаларида устун мавқега эга

---

[15] W. Wudson ” Program for Cherokee,Arapahoe,Chiena Nations”(Ҳиндулар худудидаги Чероке,Чиена,Арапахо қабилаларига нисбатан дастури) “The Cherokee Advocate “ Техлекуа .56-сон 1896 йил.25 июль

бўлган) ва бошкаларни мисол тарикасада келтириш мумкин[1]. Қисқача қилиб айтадиган бўлсақ, бир қатор реакцион ва ўзга халклар маданиятини менсимаган шахслар таъкидлаганидек, АҚШ худудлари цивилизациядан маданий хаёт даражасидан орқада қолган ёввойи вахший халклар эмасди. Аксинча, мустамлакачи давлатларнинг олиб борган реакцион сиёсат натижасида ушбу халклар урф-одат ва маданиятлари йўқ отилиб кетиш арафасида эди. Бир қатор қабилалар маърифатпарварлик йўлидан бориб бугунги кунга кадар АҚШ жамиятидагина эмас балки бўтун дунёга машхур бўлдилар. Хатто, XX аср бошларидаёк уларнинг илм-фан йўлидаги ютуқлари шухрати юртимиз сархатларига кадар етиб келган. 1912 йилда чоп этилган ва Бухоро амирлигида илк матбуот органи хисобланган "Бухорои шариф" газетасида ҳам АҚШ ҳиндуларининг маърифатпарварлигига мисоллар мавжуд. Жумладан, "Бухорои шариф" газетасининг 1912 йил 29 март сонида М. Р. имзоси билан "Нашри маориф жамиятининг зарурлиги тугрисида" номли мақола босилган. Унда: "…ҳатто XV асрга кадар дунё тараккиётидан ўзилган ва европаликлар тарафидан сахрои хайвонлар деб аталган ёввойи америкаликлар ҳам буни тасдиклайдилар. Аммо бизлар улардан анча олдин олим эдик, ҳозирда улардан орқада қолияпмиз. Бунинг сабаби улар илмни шарт дедилар ва бўнга амал қилдилар"[16] – мазмунидаги фикрлар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Бир сўз билан айтиш мумкинки, ибтидоий жамоавий тартиблардан жуда тез орада бозор муносабатларига асосланган жамиятга ўтиш черокилар учун жуда қимматга тушди. Аммо, мавжуд вазиятда уларнинг қисқа муддат ўз алифбосига эга бўлганлиги, матбуот ва нашриётларига асос солганлиги бир қатор ҳинду қабилалари орасида маърифатпарварлик ғояларининг тарғиботчиси бўлганликлари, шунингдек, миллий ўзликни сақлаб қолганликлари кабиларни жасорат сифатида баҳолаш лозим деб ҳисоблаймиз.

---

[16]Юнусова Б. " АҚШ Ҳинду матбуоти тарихидан"// Бухоро Давлат Университети талабалар ва Педагог – ҳодимларнинг анъанавий 58- илмий –назарий конференцияси материаллари. Бухоро.2014. –Б.5-6

## I.2 Дастлабки даврда ҳиндуларнинг матбуот ва нашриётчилик фаолияти.

АҚШдаги Чероки ҳиндулари ўз матбуот органларини чоп этишлари учун дастлаб нашриёт ва матбуотларига эга бўлишлари талаб этиларди. Аммо, бунинг учун АҚШ конгресси билан муносабатларнинг ижобий томонга ўзгариши ҳам талаб этилган. Ўз миллий тараққиёт йўлидан бориш машаққатлари хусусидаги маълумотларни чероки матбуоти орқали билиб олиш мумкин. “Чероки Феникс” газетасининг 1828 йил 13 август 24 - сонида “бизнинг миллат”, “бизнинг худуд”, “бизнинг ирқ” шиори остида ҳинду матбуотининг илк сони нашр юзини кўриши тарихига оид маълумотларни ўқиш шундай хулоса чиқаришга имкон беради. Мақола мазмунида ушбу кун (1828 йил 21 февраль) Чероки халқидан ташқари бутун ҳинду қабилалари, яъни, Американнинг туб ахолиси улар келгиндилар ёрадамида эмас, балки, ўзларининг тарихий анъанавий ғояларига таянган холда цивилизациялашган турмуш тарзини олиб бораётганлигини яна бир бора исботлаётганликларини”[17]- таъкидловчи фикрлар келтирилганки, бу ҳиндулар орасида катта таъссурот уйғотганлиги шубҳасиздир.

Мақола давомида: “Нашриёт уйининг очилиши ҳам шу кўнга мулжанланганлиги, “Чероки Феникс” газетасининг ёш, ижодкор ва тиниб - тинчимас ходимларидан бири бўлган Элиас Боудинот нашриёт уйининг очилиши маросимини ташкилаштирганлиги, унда иштирок этганларнинг ҳиндулар ҳақидаги фикрлари бутунлай ўзгарганлиги, Элиас Боудинотнинг таъсирли нутқида Черокиларнинг укувсиз «ғор одами» эмас, балки, Черокиларнинг ҳозиргача авлоддан авлодга етиб келган бой маънавий илмий

[17]Орзиев М.З., Юнусова Б.Б. АҚШдаги ҳинду матбуоти саҳифаларида табиат ва жамият уйғунлиги масалалари.//Бухоро Давлат Университети .Фалсафа кафедраси томонидан Ўзбекистонла хизмат кўрсатган фан арбоби ,фалсафа фанлари доктори ,профессор Муҳаммад Назарович Болтаев таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Фалсафанинг долзарб муаммолари “ мавзусида Республика миқёсидаги илмий-назарийконференция материаллари.-Бухоро .2014.-Б.39-40.

меросини бир вактлар АҚШ куйдириб қул қилгани ва ўша қулдан феникс куши Америка осмони ўзра парвоз қилиб каноатларида ҳинду қабилаларининг эрки, озодлигини, яна бир қанотида аждодларнинг рухи қулликка махкум этилган авлодларга мадад бериши, Фениксниг кўз ёшлари озор чеккан юракларга таскин бераётганлиги, Феникс қанотларини ёйганда ҳинду болаларини азобга махкум этаётган инсонларни зулмат дахшати камраб олиши, айнан Феникс қуши нашриёт тимсоли сифатида олиниши”[18]сабабларини Боудинот шу тарзда тушунтирганлиги ҳамда Феникс тасвирини нашриёт пештоқига кокиб куйилганлиги билан боғлиқ фикрлар мақола мазмунида ўз аксини топган.

Юқоридаги асосларга кўра газетанинг биринчи сонидан бошлаб доимо ҳинду матбуот органи айнан шу тимсол акс этган тасвирни юқори қисмида учратиш мумкин. Матбуот таъсисчилари тавсия этган рамзнинг мазмунии очиб бериб: Феникс тасвирини кўрган одам бахтли кунлар борлигини ишонади. Бир томондан азобларга бардош бера олмаётган ҳинду қабилалар вакилаларини вайронгарчилик, бўзғунчилик ғояларидан йироқлаштиради, Феникс уларнинг нотинч юракларига хотиржамлик олиб кириб, тумшуғидаги маърифат уруғини улашиб юради, уларга кам сонли бўлганликлари ва ёмон қуролланганлари ҳолда ўзларини хароб қилувчи урушга чоғланмай, илм – фан ютуқларини ўзлаштириш орқали курашиш мумкинлиги ва келажакда бахтли кунларга етишишлари мумкинлигини англашларига ёрдам бериши каби фикрлар ҳинду қабилалари орасида тарқалиб кетади.

Ушбу қуш тасвири нафақат бахт-саодат, балки, зуғум ўтказувчиларга раҳмдиллик ва шавқат туйғуларини сингдиради. Шунинг учун ҳам айнан Феникс тасвирини АҚШ конгресси “газетамизнинг юзи ва номи этиб тасдиқлади» - дея Эллиас Боудинот очилиш маросимидаги нутқини якунлаган эди[19].

---

[18] Боудинот. Э. The magical ceremony by Cherokee Phoenix(чероки Фениксниг сирли очилиш маросими)// “Cherokee Phoenix” 1-сон.1828 йил .21 февраль

[19] Боудинот. Э. The magical ceremony by Cherokee Phoenix(чероки Фениксниг сирли очилиш маросими)// “Cherokee Phoenix” 1-сон.1828 йил .21 февраль

АҚШ худудидаги ҳиндуларининг ўз матбуотига эга бўлиши маданий халқлар қаторига қўшилишига ўз алифболарини яратиш ва маърифатпарварлик ҳаракатларини ривожлантириш орқали эришдилар. Чероки алифбосини яратилишига гувоҳ бўлган Исах Хикс ўзининг "Чероки Феникс" газетасидаги 1828 йил, 13 - августидаги 24 - сонида босилиб чиққан "Чероки алифбосининг кашф этилиши" номли мақоласида қуйидагича ўз таъсуротларини акс эттирган: "- Мен Жон Росснинг топшириғи билан Саутага (Черокиларнинг Нью Эхотадаги резервацион ҳудудда яшаш манзилларидан бирининг номланиши) юборилдим. Аввалига, ҳамкасбларимдан ҳинду қабилалари орасидаги келишмовчиликлар авж олаётганлиги ҳақидаги фикрларини эшитиб бир оз чўчидим. Лекин, чероки алифбосини кашф этиш жараёининг гувохи бўлиш бахтига сазовор бўлганимни ўша вақтларда ҳали билмас эдим. Кашфиётчи билан бирга яшаш, ҳар кадамда, ҳар дамда у билан бирга бўлиш хаёлимга келмаган эди. Чероки қабиласининг маърифатпарварларидан бўлган Секвоя эшитишимга қараганда ота томонида бобоси оқ танли бўлган экан. У негадир бу нарсани қабиладошларидан яширишга уринарди. Эҳтимол у ҳиндуларнинг оқ танли одамлар қулфат етказади деб уйлашгани учун буни хеч кимга айтишни истамаган бўлиши мумкин[20] .

Эллиас Боудинотнинг хотирлашича, Секвоя резервацион худудида яшаб туриб ҳам инглиз тилини мустақил равишда яхши ўрганиб олганди. У ўз тили бўлмиш чероки тилида ҳар бир товушнинг когоздаги белгисини яратиш истагида эканлигини бутун қабиладошлари билар эдилар. Чероки қабила аъзолари Саутага кечкурун Секвоя чақирига кўра тўпланишди. Ушбу учрашувда Секвоя қабиладошларига ўзлари сўзлашаётан тилларининг ёзувга эга бўлиши мумкинлигини оқ танли одамларидек бир бирларига хат ёзишлари мумкинлигини айтаганда, қабиладошлари ҳангу – манг бўлиб қолишди.

---

[20] Xarris. I. "Alphabet for Cherokee"(Черокилар учун алифбо)//"Cherokee Phoenix" Техлеқуа.24-сон, 1828 йил, 13 – августь.

Ушбу холатдан шундай хулосага келиш мумкинки, улар хеч качон қулларига ҳатто бир хас олиб бирор ерга белги ёзишмаганди. Секвоя ёш кизчаси билан қабиладошларига ҳарфларни ёзиб кўрсатишарди. Улар бир неча белгиларини кўрганларидан кейингина маълум бир тасаввур уйгона бошланди. Уйга кайтганида четлари куйган когозларини йиғиб, коғозни тўрт устунга бўлди. Унда ўзи ихтиро қилган силлабик белгиларни ёзиб чиқди. 85 белгили бўғин - ҳарфлар учун яна 2 устунни кўшади. Ушбу устунларни унли ҳарфлар билан белгилаб олганди: a, e, i,, o, u, v (g) ҳар бир устун 13 - 15 силлабарилар (бўғин ҳарфлар) билан тулдириб чиқди”[21] - дея Исаак Харрис ўз хотираларини ёзиб ҳиндулар орасида дастлоабки маърифатпарварлик ҳаракатининг ёйилиши матбуот ва нашриёт ишларининг бошланиш нуқтаси эди деган фикрлар билан ўз мақоласини якунлайди.

Секвоя (1770 - 1843 йй) ўзининг бой кутубхонасига эга эди. У дастлаб инглиз тилида адабиётларни ўқиб уларни маъносини тушунушга ҳаракат қилган бўлса, кейинчалик турли мавзулардаги адабиётларни ўрганиб, уларни мушоҳадасидан ўтказиб, черокиларнинг йирик сиёсий, маданий – маърифий соҳадаги арбобларидан бўлиб етишган. Айнан лотин алифбосидан фойдаланган холда таффакурида янги белгиларни ўйлаб топар эди, кейинчалик қабиладошлари унинг ҳаёти давомида олиб борган фаолиятини катта қизиқиш билан ўрганишга киришиб кетадилар. Алифбонинг кашф этилиши черокилар ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Черокилар кўп вақтларини ўқиш ва ёзиш билан ўтказишарди.

Черокилар (чероки-саводсиз ғор одами маъносини беради. Бу номни уларга рақиб бўлган чоктава қабиласи қўйган – Б. Ю.) нинг ёзувни кашф қилиши ва ундан фойдалана бошлашлари маданийлашган қабила сифатида ҳинду қабилалари орасида обрўсини ошди. Бу воқеа АҚШ хукуматини ҳам бир қадар чўчитиб қўйди. Секвоя кашфиёти туфайли газета ўз ёзувга эга бўлди. Ушбу силлабик алифбо бутун резервацион худудга тарқалди. Қабила

[21] Xarris. I. “Alphabet for Cherokee”(Черокилар учун алифбо)//”Cherokee Phoenix” Техлеқуа. 24 - сон. 1828 йил, 13 - августь.

аъзолари бир неча хафтада пул, маблағ, ортиқча вақт сарфламай Секвоядан ёзишни ўрганиб олишди.

Секвоя ўзининг юксак кашфиёти билан қабиласи, ватани олдидаги қарзини узди. "Нафакат чероки қабиласи, балки, барча ҳинду қабилалари ундан миннатдор бўлишлари керак[22]" –дея ўз мақоласига Исаак Харрис якун ясайди.

Аммо, бундан кейинги ишларида ҳам улкан тўсиқлар бўлиб, бу ҳақида Чероки матбуоти чоп этилган Жонн Росс Актлари орқали билиб олиш мумкин. Жумладан: "Газета нашриёти олдида хали кўп тусиқлар бор эди. Энди ҳарфларнинг ҳар бири учун дастгоҳ тайёрлашлари, ҳамкорлар билан якин алокада бўлиб замонавий босма ускуналарини сотиб олишлари керак эди. Шундай босма ускуналаридан бирида 85 белгили силлабик алифбо ўрнатилган эди[23]" - каби фикрлар мавжуд. Силлабик алифбога мослаштирилган нашр дастгоҳи ҳозирда Чероки халқи музейида сақланиб келинмоқда. Фойдаланишга яроқли бўлса-да, нашр жараёни ўта мураккаб бўлганлиги учун, шунингдек, черокилар ўтмишининг бир бўлаги бўлганлиги, шунингдек, чероки алифбосидан жуда кам кишилар фойдаланиши каби қатор сабабларга кўра ундан фойдаланилмайди. Оклохома университети талабалари унинг устида кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказиб келмоқдалар. Уларнинг натижалари газета саҳифалардан ўрин олиб келмоқда. "Cherokee Phoenix" газетаси черокиларнинг фидойилиги сабабли бугунга қадар дунё юзини кўриб келмоқда.

Дастлабки даврларда ҳиндуларнинг нашриётчилик фаолиятининг ютуқлари сифатида газетанинг илк сонидан бошлаб, маданий ҳаракат, ҳамда ҳинду қабилаларининг Америка конституцияси билан мос келувчи ўз конституцияларини яратиш хусусидаги фикрларда кўриш мумкин. Чероки конституцияси ёзма шаклга эга бўлган ягона конституция сифатида черок

[22] Xarris. I. "Alphabet for Cherokee"(Черокилар учун алифбо)//"Cherokee Phoenix" Техлекуа. 24-сон. 1828 йил, 13 - августь.

[23] Ross. J. "Terra of Lands" //"Cherokee Phoenix , and Indian's Advocate" Ню Эхота. 11 - сон. 1829 йил, 17 июнь.

ҳамда инглиз тилларида ёзилиб, уни черокилар учун асосий қонун ҳужжати сифатида эътироф этишга конгресс рухсати олинди. Афсуски, хали бошка ҳинду қабилаларининг тилига мос келувчи ёзув кашф этилмаганллиги сабабли бошқа қабилаларга бу конституция Америка конгресси қарорига кура инглиз тилида чоп этилган нусхаси юборилганлигини кўришимиз мумкин[1].

“Cherokee phoenix” газетасининг биринчи сони  Янги  Ехота шахрида 1828 йил 21 февраль сешанба куни босилиб чиққан.  Газета келишилганидек икки тилда инглиз ва чероки тилларида нашр юзини кўрди. Газета тўрт саҳифадан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифа беш устунга бўлинган. Биринчи саҳифанинг юқори чап бурчагида Америка жамияти Антиквариати ташкилотининг  айлана муҳри босилиб, бу мухр Чероки миллий олий суди музейига тегишли мухр бўлиб ҳисобланади. Ўнг томонидаги биринчи устунда “Cherokee phoenix” газетасига обуна шартлари билан таништириб ўтилган. Унда газетанинг нархи 0,20 $, йиллик обуна нархи 6,5 $, олти ойлик обуна 3,50 $ бўлганлигига гувох бўлиш мумкин.

Газетанинг юқори қисми қоқ марказида феникс қуши тасвири туширилган, қуш тасвири остида “protection” (инглизча сўз бўлиб, “қарам” деган манони англатади) сўзи ёзилганлигини кўришимиз мумкин. Газетанинг биринчи муҳаррири сифатида Элиас Боудинот имзоси қўйилган. Ҳарф босувчилар сифатида эса, Айзек Харрис, Жон Уилерлар номлари ёзиб қўйилганлигини кўришимиз мумкин.

Биринчи саҳифа беш устунга бўлинган бўлиб, унинг учтасида чероки тилида, иккитасида эса инглиз тилидаги мақолалалар таржимаси чоп этилиб муштарийларга етказилган. Биринчи мақола “A good concieses” (“Эзгу яхши хабарлар”) деб номланади. Унда Библия китобидан парчалар ингиз ва Чероки тилларида таржима қилиб муштарийларга хавола этилган. Иккинчи устунда ҳам Библия китоби парчалари давом эттирилган. 3 – 4 – устундан бошлаб Чероки Миллати Конституцияси қисм – қисм ҳолатида эълон эттиб борилган. Газетанинг 1 – сонида Чероки конституциянинг мукадиммаси, I, II, III

боблари ва моддалари ўрин олганлигини кўришимиз мумкин. 4 – устун охирида, Чероки қабиласи аъзоларининг хуқуқ – мажбуриятларига оид ҳуқуқий ҳужжатлар келтирилган[24].

Ушбу соннинг асл нусхаси 1997 йилда Оклахомадаги "Оқ уй музейи" да ўтказилган аукционда 15 минг долларга баҳоланган. Хозирда Чероки халқи олий суди музейида сақланмокда[25]. Gell Johnson имзоси қўйилган Кўчирма нусхаси унинг шахсий коллекциядан ўрин олган. Кейинчалик Оклахома университетига топширилиб, ҳозирда университетнинг "Ғарб коллексияси"да сақланиб келинмокда[2].

Газетанинг кейинги сонларида Чероки қабиласининг матбуот органи бўлган "Чероки Феникс" газетаси саҳифаларида, газетанинг нашриёт биноси, матбуотчиликнинг хуқуқий асослари ёритиб борилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Хусусан, "Чероки Феникс" газетасининг 24 – сонида, АҚШ конгрессининг "Чероки Феникс" нашриётида фаолият юритувчиларга вазифаларнинг тақсимланишини тасдиқлаш ҳақидаги қарорлари чоп этилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин[26].

Ушбу матубот органи вужудга келган даврлардан бошлабоқ, бошқа халқларда кам учрайдиган ўзиг хос йўлдан, яъни аёлларнинг жамиятда тенг хуқуқлиги, уларнинг ҳам саводли бўлишига, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга ҳақлари мавжудлиги хусусидаги фикрларни тарғиб этиш йўлидан бориб, қолоқ ибтидоий халқ эмас, юксак маданиятга эришган халқ эканлигини исботлаганликларини кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, "Чероки Феникс" матбуот органи ҳиндуларнинг ҳақ хуқуқлари учун курашувчи асосий минбарга айлангани боис, ҳиндулар жамиятида яна бир матбуот органига эҳтиёж сезилади. "Чероки Феникс" асосан маърифатпарварлик ва тараққийпарварлик йўналишидаги матбуот

---

[24]"Cherokee Phoenix" газетасининг 1828 йил, 21 февралдаги 1 – сони, биринчи саҳифаси. "A good concieses" ("Эзгу яхши хабарлар") ва Constitution of Cherokee "(Чероки конституцияси) //"Cherokee Phoenix" 1 - сон. 1828 йил, 21 февраль.

[25] w.w.w.Cherokee Phoenix.com

[26] Uiller .,Foster.J. "Official press editors and associate worker" ("Матбуот уйига тайинланган муҳаррир ва ишчи-ходимлар")// "Cherokee Phoenix" Техлеқуа. 24 - сон. 1828 йил, 13 августь.

органи бўлиб қолиши учун, яна бир янги матбуот органига эҳтиёж туғилиб, уни 1845 йилдан бошлаб "The Cherokee advocate" ("Чероки адвокат") номи остида босиб чиқаришга эриша оладилар. "The Cherokee advocate" газетаси асосан ҳиндуларнинг ҳақ – ҳуқуқлари учун курашувчи матбуот минбарига айланади.

Черокиларнинг матбуот органи барча ҳинду қабиллари орасида кенг шуҳрат ёйган. Бир қатор қабилалар ўзларининг табрик хатларини инглиз тилида бўлсада йўллаганликларини кўриш мумкин. Жумладан, мексикалик ҳинду қабилаларидан бўлган Улаҳуҳ қабиласи АҚШ ҳудудида яшовчи Чероки қабилаларини ўзларининг ёзув алифболарига эга бўлганликлари ҳамда ўз матбуот органларини ташкил этганликлари билан табриклаб, улар ҳам ушбу алифбо асосида АҚШдаги ҳиндулар билан фикр алмашиш, ёзишмалар қилиб туриш истагида эканликларини билдирганларини "Cherokee Phoenix" газетасининг 17 – сонидаги мақолалардан бирида ўқиш мумкин[27].

Биз ушбу газеталарнинг айрим сонлари мисолида чероки қабиласида аёлларга бўлган муносабат, аёлларнинг саводли ва билимли бўлишлари, жамият хаётида улар таъсирининг ошиб бориши, аёллар, ёш қизларнинг таълим ва тарбияси каби масалаларига имкон қадар тўхталиб ўтишни лозим топдик. Газетанинг 1853 йилги сонларининг бирларида ҳиндулар орасида катта мавқега эга бўлган Жон Росс ҳинду қабилалари ёш аёллари ва эркакларига ўрта таълимни ташкил этиш ишларини бошқараётганлиги, сўнгги етти йил ичида "Ҳиндулар худуди" нинг бир қанча чека манзилгоҳларида ҳам аёллар мактабини очилишига бош бўлгани каби маълумотлар келтирилади[28].

"Чероки адвокати" газетаси сахифаларида аёллар семинарияси ҳамда унинг фаолиятига бағишланган мақолалар тез - тез босилиб турилган. Мақолалардан аёллар семинариясида 2 - 3 минг атрофида аёллар

[27] Miranda E."For The Cherokee Phoenix congratulations"("Чероки Феникс" учун табрик)// "Cherokee Phoenix"17 - сон, 1828 йил, 18 июнь.
[28] Ross.J." for Education "(" Maorif uchun ") // "The Cherokee Advocate"Texlequa . 46-сон , 1853 йил, 18 март

қатнаётгани, уларнинг турли табақа вакилалари эканлиги, улар нафақат саводхонлик, балки, жамият хаётида рўй бераётган воқеа ходисаларга ўз муносабатларини билдира бошлаганликлари, уларнинг бир қисми таълим олишни яна давом эттиришга бел боғлаган бўлса, бир қатор дадил ва жасур чероки аёллари хокимият ишларида ҳам иштирок этишга интила бошлаганлари хусусидаги фикрларни англаб олиш мумкин[29].

Черокилар томонидан ташкил этилган нашриёт ва матбуот билан чамбарчас боғлиқ тўгараклар, ташкилотлар ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, чероки ҳинду қабилалари томонидан ташкил этилган "Маърифатпарварлик" тўгараги "Logd" номли, ҳамда "Lodge" (инглизча айлана, тўгарак деган маънони англатади) номлари остдида 1939 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. "Lodge" тўгараги музейида "Cherokee Phoenix" газетаси сонларидан лавҳалар, "Lodge" тўгаргининг ўтмишдоши "Маърифатпарварлар" тўгараги етакчилари фаолиятларидан фото йиғма жилдлар ҳамда "Cherokee Phoenix" нашриёт уйи пештоқини безаган Феникс тасвири сақланмоқда. Хақиқатдан ҳам Феникс қуши ҳинду матбуоти ва нашриёти тарихий тақдирини мана шундай бахтли келажак сари етаклай олди десак муболаға бўлмайди[30].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, черокиларнинг матбуот ва нашриётчилик фаолиятининг дастлабки даврларидаёқ нафақат ижтимоий – , иқтисодий, сиёсий ва маданий – маърифий соҳаларда ўзларини кўрсата олдилар. Уларнинг саъй – ҳаракатлари ва ютуқлари АҚШ чегарасидан ташқаридаги ҳиндуларни ҳам илҳомлантирди. Бир қатор қабилалар жамият ҳаётида ўзларининг мавжуд эканликларини англадилар, ўз фаолиятларида черокилардан ўрнак олиб юрита бошладилар. Бу эса, ҳиндуларнинг яшаб қолишларини таъминлаб, уларнинг ўз ўтмишига қизиқишининг ортишига,

---

[29] Марс C. "Female Seminaries"("Аёллар семинариялари")//"The Cherokee advocate" Техлеқуа. 82 – сон, 1884 йил, 29 март.

[30] Miranda E. "For The Cherokee Phoenix congratulations" ("Чероки Феникс учун табрик")// "Cherokee Phoenix" 17 - сон, 1828 йил, 18 июнь.

уни асраб авайлаб келажак авлодларга етказиш ҳаракатининг авж олишига хизмат қилди.

## II.боб. Чероки матбуоти ва нашриётининг тарихий аҳамияти

### II.1. Чероки матбуотидаги айрим мавзулар хусусида

Чероки матбуотида ўз даврининг ўткир ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маданий масалаларига доир мақолалар чоп этилдики, бу нафақат умуммиллий, балки умуминсоний қадриятларнинг чероки маърифатпарварлари орасида тарқалганлигини кўрсатадиган омиллардан биридир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, черокилар ҳали энг тараққий этган халқларнинг ҳам хаёлига келмаган бир вақтларда она табиатни асраб – авайлаш хусусида ўз матбуот органларида қатор чиқишлар қилганлар. Бу уларнинг фалсафий қарашларида ҳам ўз аксини топганлигини кўриш мумкин. Маълумки, инсоният тарихи давомида шаклланган барча ижтимоий фалсафий қарашларда табиат ва унинг инсон фаолиятига таъсири масалалари алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ибтидоий хўжалик турмуш тарзида ҳаёт кечирган халқлар дунёқарашида эса, бу ҳолнинг етакчи мавқега эга эканлигини кўришимиз мумкин. Буюк географик кашфиётлар даврида янги дунёнинг очилиши, Европадан Америкага кўчиб келувчиларнинг кўпайиши натижасида маҳаллий ҳиндуларнинг қирғин қилинганлиги, резервацияларга ҳайдалганлиги тарихдан яхши маълум. Ҳинду қабилалари орасида дастлаб ўз матбуотига эга бўлган чирокилар ўз газеталарида миллий ўзликни англаш, келажак авлодларга табиат билан уйғунликда яшаш, табиатни асраш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш каби хислатларни сингдириш йўлидан бориб, аждодлардан меърос бўлиб келаётган афсона, ривоятлар орқали ўз фикрлари таъсирчанлигига эриша олганлар.

Чироки матбуотида она ернинг яратилиши хусусида номаълум муаллиф томонидан келтирилган мифларга кўра; “Чексиз уммондан улкан қўнғизнинг ерни сув юзасига олиб чиқиши ва сувга яшашга мослашган

ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ерни ватан тутиши[31]" – ҳақида ҳикоя қилинади. Ер юзида инсонларнинг пайдо бўлиши, уларнинг яратилиши масаласида ҳам турли қарашлар мавжуд бўлган. Эҳтимол, христиан миссионерларининг таъсири остида бўлса керак, чирокилар худо томонидан ер юзида инсонлар яратилишининг ўзларига хос вариантини ишлаб чиққанлар. "Чироки адвокати" газетаси саҳифаларида бу хусусда: "Дастлабки одамни ягона берувчи ва олувчи Маниту (кўпгина ҳинду қабилаларида ягона олий, улуғ руҳ, худо) қизил тупроқдан яратган. Маниту ясаган қизил танли одамнинг оғидан хушбўй, илоҳий нафас юбориш орқали унга жон ато қилганлар. Ер юзидаги ўсимлик ва ҳайвонларни унга дўст, биродар қилган, аммо қизил одам зерикавергач, унинг қовурғасидан аёл зотини яратган[32]" – деган фикрларни ўқиш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу фикрларнинг шаклланишида инжил ғояларининг таъсири деб ҳисоблашга барча асослар етарлидир. Ибтидоий халқлар мифологик дунёқараши барча сюжетларида асосий қаҳрамонлар табиат кучлари бўлишини ҳам унитмаслигимиз лозим. Ер юзида инсоннинг пайдо бўлиши ва унинг хўжалик турларига ўтиши хусусида "Чероки адвокати" газетасининг 1844 йил 20 август сонида: "Ер юзидаги дастлабки одам бўрон бўлганлиги, унинг икки ўғли бўлиб, бирининг номи овчи, иккинчисиники эса кукуруз бўлганлиги, бутун ер юзи аҳолиси улардан тарқалганлиги[33]" – билан боғлиқ маълумотлар келтирилади. Ушбу афсонадан кўриниб турибдики, инсон, табиат кучлари (бўрон) ва хўжалик турлари (овчи ва деҳқон) нинг ўзаро яхлитликда, уларнинг бир – бирига қон – қариндошлиги англашилади.

Ибтидоий халқлар ўсимлик ва жонзотларни ўз дўсти деб билиши тарихдан яхши маълум. Чероки қабиласида ҳам ёшларни табиатни эъзозлашга қаратилган афсона ва асотирлар талайгина бўлиб ҳисобланади. "Чероки адвокати" саҳифаларида инсонларнинг дастлаб ўсимликлар билан

---

[31] About religious of tsh Cherokee Indians // The Cherokee Advocate 1844 y. 20 avgust. Vjl. II.
[32] htt: // Pholnix. com.
[33] Mysterioys of Cherokee // "The Cherokee Advocate" 1844. 20 avgusst vol II.

озиқланиши ва бунинг натижасида уларнинг ўлим билмасликлари (барча халқларга хос “Олтин давр”), инсонларнинг табиат қонунини бузиши ва ҳайвонлар гўштини истеъмол қила бошлаши оқибатида, ҳайвонларнинг инсонларга турли касалликлар юбориши, инсонларнинг қирилиб кетиш хавфи вужудга келганда ўсимликларнинг ёрдамга келиши ва табиий мувозанат бир қадар тиклангганлиги[34]” – хусусидаги фикрлар инсон, табиат ва жамиятнинг ўзаро уйғун ҳолда яшаш фалсафаси ибтидоий халқларда нечоғли чуқур илдиз отганлигини кўриш мумкин.

Черокилар ўз фарзандлари тарбиясида ҳам она табиатни асраш, ундаги ўсимлик ва жонзотларга озор етказмаслик руҳини сингдириш йўлидан борганлар. Чероки қабиласининг марказий шаҳарчаси ҳисобланган Теҳлекуада нашрдан чиқадиган матбуот саҳифаларида: “Ҳар бир ҳайвонни вақти соати етмагунча ўлдирмаслик, бевақт ўлдирилган жонзот руҳини улуғ Маниту инсонларга қайта юбормаслиги, бунинг натижасида инсонларнинг ўзлари ҳалокатга юз тутиши, айниқса, ёш болалар томонидан (инициация – имтиҳондан ўтмай, овчи мақомини олмай) ҳайвонларнинг ўлдирилиши жиноят деб қаралиши[35]” - хусусидаги фикрлар мавжуд.

Кўриниб турибдики, табиат билан уйғунликда яшаш ғоялари тарғиботи матбуот саҳифаларида ҳам ўз аксини топган бўлиб, улар маданиятини сақлаб қолиш хусусидаги фикрлар “оқ танли” олимлар томонидан XIX ўрталаридагина тилга олина бошланган эди[36].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, резервация ҳудудида, ўз тарихий ватанидан айрилганига қарамай Америка ҳинду қабилалари хусусан черокилар узоқ тарихий жараёнларда синовдан ўтган инсоннинг табиат билан уйғунликда яшаши ғоясидан воз кечмадилар, ўз аньаналарини келажак авлодга етказиб бериш орқали ҳозирга қадар яшаб қола олдилар

Нафақат Чероки қабиласида балки, деярли барча ҳинду қабилаларида аёлларга бўлган эътибор айтиш мумкинки, оқ танли, “маданиятли”

---

[34] htt: // Pholnix. com.
[35] Mysterioys of Cherokee // “The Cherokee Advocate” 1844. 20 avgusst vol II.
[36] Тайлор Э. Б. Первобытная культура: пер. с англ. Д. А. Коропчевского. – М.: Политиздат 1989. – С. 55.

жамиятлардан кўра адолатлироқ ва аёлларнинг ижтимоий ҳаётидаги иштироки эркаклар билан деярли тенг бўлганлигини кўришимиз мумкин. Секвоя алифбо яратгандан сўнг Чероки аёллари эркаклар билан биргаликда хат – савод чиқара бошлаганлари фикримизнинг далили бўлиб ҳисобланади[37].

Ҳинду матбуоти Чероки қабиласи томонидан улар резервацияга мажбуран кўчирилган “Ҳиндулар ҳудуди” (ҳозирги Оклахома штати) даги Теҳлекуа шаҳарчасида нашр этилар ва бутун “ҳиндулар ҳудуди” бўйлаб тарқатилар эди. Ушбу матбуот органлари вужудга келган даврлардан бошлабоқ, аёлларнинг жамиятда тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг ҳам саводли бўлишга, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга ҳақлари мавжудлиги хусусидаги фикрларни тарғиб этганлигини кўришимиз мумкин. “Cherokee Phoenix” газетасининг 1853 йилги сонларининг бирида ҳиндулар орасида катта мавқега эга бўлган Жон Росс исмли ҳиндунинг қабила ёш аёллари (кейинги ўринларда қизлар мактаби тарзида келтирилади) ва эркакларига ўрта таълимни ташкил этиш ишларини бошқараётганлиги, сўнгги етти йил ичида “ҳиндулар ҳудуди” нинг бир қанча чека манзилгоҳларида ҳам аёллар мактабини очилишига бош бўлгани каби маълумотлар мавжуд[38]. Бу эса ҳиндуларнинг жоҳил ва маданиятсиз эмаслиги, аксинча, Черокиларнинг ожиза жинс вакиллари бўлган қиз - аёлларга қай даражада эътиборли бўлганликларини кўрсатади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида черокиларда ўзликни англаш ва уларини миллат сифатида шаклланиш жараёни содир бўлиб, Оклахома штатининг Шимолий – Шарқий қисмида, черокиларнинг маъмурий маркази ҳисобланган Теҳлекуа шаҳарчасида жойлашган ва Жон Росс ташкил этган қизлар мактабидан бири, унинг хотини Галинда Росс саъй – ҳаракатлари билан 1909 йил 6 март куни Оклахома штати Теҳлекуада бир вақтлар Жон Росс

---

[37]. Культура индейцев: вклад коренного населения Америки в мировую культуру. М.: Наука 1963. – С. 298.
[38] Principal Chief John Ross//The Cherokee Advacate. 1853 y. 18 March.

томонидан ташкил этилган қизлар мактабини университетга айлантириш тўғрисида қарор қабул қилади[39].

Юқорида келтирилганидек, 1853 йилгача Жон Росс қизлар мактаби очиш учун етти йил вақт сарфлаган эди. Уларнинг тақдири эса, тез орада аянчли якун топганлигининг гувоҳи бўламиз. АҚШда фуқаролар уруши (1860 – 1865 йй) бошланиб кетиши муносабати билан қизлар мактаби тарбияланувчилари аскарларни даволовчи ҳамширалар сифатида жангоҳлар ва госпиталларга олиб кетилади. Фуқаролар уруши тугагандан кейин ҳам, АҚШ ҳукумати черокиларга аёллар мактабини молиявий қийинчиликни рўкач қилиб очишга рухсат бермайди. Бир сўз билан айтганда, ҳинду аёлларинңг савдоли бўлишини ҳукумат таъқиқлаб қўяди. Шундай бўлсада, Галинда Росс бошчилигидаги бир гуруҳ аёллар яширин равишда “Аёллар семинарияси” фаолиятини юритганлар. 1875 йилгача семинария яширин фаолият юритган. Очиқ фаолият турига ўтишидан кўп вақт ўтмай 1887 йили АҚШ ҳукумати томонидан аёллар семинарияси ёпилиб, унинг биноси ёқиб юборилган. Чероки халқининг матонати сабабли аёллар семинарияси 1889 йил қайта расмий равишда очилган ваш у йилнинг 7 майида янги қурилган бинога кўчиб ўтган семинария хусусида “Чероки Адвокати” газетаси саҳифаларида унинг фаолиятига бағишланган мақолалар тез – тез босилиб турилган. Мақолалардан, аёллар семинариясида 2 – 3 минг атрофида аёллар қатнаётгани, уларнинг турли табақа вакилалари эканлиги, улар нафақат саводхонлик, балки, жамият ҳаётида рўй бераётган воқеа – ҳодисаларга ўз муносабатлари билдира бошлаганлиги, уларнинг бир қисми таълим олишни яна давом эттиришга бел боғлаган бўлса, бир қадар дадил ва жасур Чероки аёллари ҳокимият ишларида ҳам иштирок этишга интила бошлаганлари хусусидаги фикрларни ўқишимиз мумкин[40].

“Ҳиндулар ҳудуди” ёки ҳозирги аталиши билан айтганда Оклахомада ҳинду қиз – аёлларига таълим олишга рухсат этилгандан сўнг, Чероки,

---

[39] http//neuerspapers.com.hotmail.

[40] The Female Seminary about of Education//The Cherokee Advacate.Texlequa.30-сон 1913 y. 23 June.

Арапаҳо, Шайен, Чоктава ва бошқа қабилаларда тезлик билан тарқалган мактаб ишлари АҚШнинг бошқа штатларидаги резервация ҳудудлари айнан, черокилар томонидан тарғиб қилинган. Техас ва Арканзас штатларида ҳам беш йил таълим берадиган мактаблар очилган. Таълим дастурини беш йилда ўзлаштира олмаган қиз – аёллар яна қўшимча равишда уч йил ўқишлари мумкин бўлган. ҳинду мактабларида ўқиган қиз – аёллар (ўғил болалар тақдири ҳам аслида шундай) университетларда таҳсилни давом эттирганлар. Университетларда ўтказиладиган танловларда ҳинду болалари оқ танлилардан яхшироқ бўлсада, уларга совринли ўринлар ёки имтиёзлар берилмаган. Бундай таҳқирланишлар ҳинду болалари ва уларнинг қабиласида катта норозиликлара сабаб бўлган. матбуот саҳифаларидаги маълумотларни таҳлил этиш жараёнида шу нарса аниқ бўлдики, Чероки болаларининг таҳқирланишига жавобан қабила етакчилари яхши таълим олган болаларни ўзлари рағбатлантиришга ҳаракат қилганлар. Теҳлекуада бўлиб ўтган Чероки оқсоқоллари йиғилиши қарорига кўра; Чероки болалари таълимини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилган. Чероки болаларини 3 ёшидан бошлаб таълимга йўналтирувчи дастлабки дастурлар, ўқув – услубий кўрсатмалар чоп этиш, болалар таълим – тарбияси билан шуғулланиш учун четдан тажрибали мурабийларни ёллаш ишлари бошлаб юборилган. 1889 йил қайта очилдган қизлар мактаблари ҳам ушбу дастурлардан четда қолмайди. Мактабларнинг очилишидан кўп вақт ўтмай, қизлар мактаби битирувчиларининг 90 фоизи келажакда ўқишни давом эттиришга лойиқ юқори даражадаги саводхон қиз – аёллар бўлган эди[41].

XIX асрнинг охрида ҳинду қабилаларида икки гуруҳ мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси ота – боболари сингари яшаш ва уларнинг анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолиш тарафдорлари бўлса, иккинчи қисми ўз қабиласининг келажакда яшаб қолиши учун замонавий билимлар билан қуролланиш (бу эса мавжуд тартиблардан воз кечиш дегани эди) тарафдорлари эди. Бу ҳолат Чероки аёллари дунёқарашида ҳам ўз аксини

[41] Education and Oklaxoma University//Cherokee Poenix. 1892 y. 13 may.

топганлигини матбуот саҳифаларидан билиб олишимиз мумкин. Матбуот саҳифаларида; 1884 йил 23 март куни аёллар семинариясининг ғоявий етакчилари йиғилишида аёлларнинг икки гуруҳга бўлинганлиги, биринчи гуруҳга Элли Адоир бошчилик қилиб, улар анъанавий ижтимоий тартиблар тарафдорлари эканлиги, иккинчи гуруҳ етакчиси эса, Сениол ва Вигел хонимлар эканлиги, улар Чероки қиз – аёлларини таълим олишларига бевосита ҳомийлик қилаётганлар эканлиги, улар етакчилик қилган аёллар Европача таълим ва маданият зарур деб ҳисобловчилар эканлиги хусусидаги маълумотларни ўқишимиз мумкин[42]. Чеорки қабиласидаги маърифатпарварлик, таълим – тарбия, илм – фанга интилиш ва бу йўлда аёлларни ҳам жамият ҳаётида фаол иштирок этишларига қаратилган муносабат, Чероки халқининг бундан кейин миллат бўлиб шаклланиши жараёни ва АҚШ ҳукуматининг тазйиқи натижасида тарқалиб кетмасликка, миллат яшаб қолишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тарихий адабиётларда камдан – кам ҳолатларда ҳиндуларнинг саводхонлиги билан боғлиқ масалага эътибор қаратилади. Биз кўриб чиқаётган даврда фақатгина Чероки қабиласи эмас балки, Крик, Чоктава, Чиковаса, Семинол, Арапаҳо қабилалари ҳам ўша давр АҚШ манбаларда цивилизациялашган қабилалар дея эътироф этилган[43]. Уларнинг ҳам ўз ёзувлари, матбуот органлари мавжуд бўлиб, ушбу манбаларни таҳлил этиш ва ўрганиш келажакдаги вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Черокилар ўз матбуот саҳифалари орқали ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, уларни саводли бўлишга, илм олишга интилишларини қўллаб – қувватлашга ҳаракат қилган. Матбуот органларини варақлар эканмиз, унда болалар мактублари рукни ташкил этилганлигини гувоҳи бўлинди. Рукн расман бундай номланмаса – да қатор сонлар таҳлили шу хулоса келишимизга сабаб бўлди. Дастлаб бу рукн “Cherokee Phoenix” нинг 1828 йил, 18 июн куни нашр юзини кўрган 17 – сонидан бошлаб кузатилади. Унда,

---

[42] Zena Zells. Female Semenary in the Cherokee Nation//Cherokee Advacate. 1884 y/ 29 mart.
[43] Культура индейцев: вклад коренного населения Америки в мировую культуру. М.: Наука 1963. – С. 298.

ҳинду қабилалари болалари, ўсмир ёшдагилар атрофларида бўлиб ўтаётган воқеа–ҳодисалардан таъсирланиб ёзган ҳикояларидан парчалар келтирилган. Ушбу парчаларнинг инглизча таржимаси келтирилмаган. Фақатгина чероки тилида силлабик алифбода ёзилган варианти чоп этилганлигининг гувоҳи бўлинади[44]. Эҳтимол болалар мактублари сиёсий ҳамият касб этмаганлиги сабабли АҚШ ҳукумати бунга эътибор қаратмагандир.

Матбуот органининг яшаб қолиши энг аввало моддий таъминотга боғлиқ бўлиб, зарурий маблағларнинг бир қисми обуначилардан, бир қисми хайриялардан тушиб турган бўлса, бир қисмини реклама ва эълонларни нашр этиб бориш орқали топилганлигига гувоҳ бўлинади. Реклама ва эълонларнинг ҳам чероки халқи учун фойдали жиҳатлари бўлсагина чоп этишга ҳаракат қилганлар. Газетаданинг мавжуд бўлиб турган дастлабки 1828 – 1829 йилларда йилидаги энг муҳим эълонлар рўйхати хусусида алоҳида мақола чоп этилиб, унда; “Cherokee Phoenix” матбуотида нашр килинган эълонлар рўйхати “Фестивал”, “Тўғри қарор”, “Ферма эгаларига” “Nell I.A. уйидаги қотиллик”, “Шошилинч “, “Зотдор хўжалик моллари”, “Кастинг”, “Ишга кирушни хохловчилар учун”, “Тақинчоқлар ярмакаси очилиши[45]” – кабилар эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Черокилар орасида матбуотнинг кенг тарқалиб бориши, унда ўз мақоласи билан иштирок этувчиларнинг хоҳиш истакларининг ортиб боришига сабаб бўлди. шу сабабли “Cherokee Phoenix” газетасининг 1829 йил, 17 июн кунидаги сонида “Иккинчи мақола муаллифларига мурожаат” номли мақола босиб чиқарилиб; “Газета низомидан келиб чиққан ҳолда мақола муаллифи авваламбор ўз мақолаларини ўзининг номи билан бирга тақдим қилиши керак. Тақдим қилаётган пайтда анкета суровномасини тўлдириб бир нусхасини ўзида сақлаши керак. Газетага обуна бўлган газетхонлар орасида ёзувчилар ҳам маълум мақолаларга нисбатдан ўз

---

[44] “Children Station Letter” (“Болалар мактублари рукни”)// “Cherokee Phoenix” 17 - сон, 1828 йил, 18 июнь.
[45] Houcker E. D. “Press 1827 - 1829 for “Cherokee Phoenix” (“1828 - 1829 йиллар “Чероки Феникс” матбуотида нашр этилган эълонлар рўйхати)//“Cherokee Phoenix”, and Indian’s Advocate” Nyu Exota. 11 - сон. 1829 йил, 17 июнь

фикирини ёзиб юборишлари мумкин. Газета саҳифасининг охирида бериб борилади[46]" – деган хабар босилиб чиқади.

Газетад чоп этилаётган мақолалар сифатини ошириш мақсадида Газетхонлар учун сўровномалар, сизга ёққан ҳикоялар, ижтимоий хабарлар, ҳангома, эълонлар, таклифларингиз каби рукнлар ташкил этиладики, ушбу сўровномалардан кейин сўнг эълонлар саҳифаси кўпайтирилди. ҳаваскор мақоланавислар мақоласи чоп этилмай қолади. 1831 йилнинг 1 май санасида чоп этилган ҳинду матбуотида айнан шу масалалар таҳлил этилган[47].

Газеталарни тарқатиш учун ҳам черокиларда ўзига хос қизиқиш бўлиб, "Cherokee Phoenix" ўз муштарийларига эълон орқали мурожаат қилиб, газетани тарқатиш учун мусобақа ташкил этганлигини хабар қилади. Газета тарқатувчилар учун мусобақа шартлари қуйидагича қилиб белгиланган бўлиб, улар эркак жинс, саноқни яхши билиши, юк кўтара олиши, бир ғилдиракли аравани бошқара олиши, хушмуомали оғир вазмин, узоқ масофага коптокни улоқтира олиши лозим бўлганлар синаб кўрилиб ишга қабул қилинади дея хабар беради[48].

Чероки матбуотида мавзулар кенглиги, жамиятнинг турли жабҳаларни қамраб олиши, ўз даврида АҚШ ва унинг ташқарисида бўлган ҳиндуларнинг ҳам чероки матбуотига бўлган қизиқишларига сабаб бўлди. чероки матбуот органларида кўтарилган мавзулар ҳинду қабилалари орасида қўллаб – қувватланиб, унинг амалий ечимлари сари бирлашиб қадам ташлашга ҳинду қабилаларини чорлаганлигини кўриш мумкин. Айнан шу сабабли кўпгина қабилалар тез орада АҚШда халқ деб эътироф этила бошланган эди.

---

[46] Miscellaneous W. "To the Editors" ("Мақола муаллифларига мурожаат")//"Cherokee Phoenix", and Indian's Advocate" Nyu Exota. 11 - сон. 1829 йил, 17 июнь.

[47] Lavender M. and John Gibbs. "Information wanted" ("Газетхонлар учун суровномалар")// "Cherokee Phoenix" Nyu York,18 - сон,1831 йил,1 май.

[48] Joe N and Wheler F. "Castings of press distributer" (газета тарқатувчилар учун мусобақа")// "Cherokee Phoenix" Nyu Exota 23 - сон, 1829 йил, 22 сентябрь.

## II .2. Ҳиндулар матбуоти, нашриётининг тугатилиши.

Чероки конституциясининг 3 –бўлимида расман: "Ҳар бир қабила ўзининг ахборот институтига "газета - Ю. Б." эга бўлиши хуқуқий ҳужжатда асосланган дея ёзиб қўйилган. Чероки қабилалари хуқуқ эркинликлари конституция ва АҚШ конгресси қарорлари билан кафолатланади[49]–деб ёзилган бўлса–да, уларнинг оқ танли билан бир хил хуқуқга эга бўлиш ҳақидаги талаблари амалда АҚШ хукумати томонидан амалда қониқтирилмади.

1826 йилдаги сулхга кўра, Американинг жанубий худудларида ер берилиши масаласида айнан бу ерларга туб америкаликлар эгалик қилиши мумкинлиги қатъий белгиланган эди. Бу қарордан хабар топган ҳинду қабилалари ҳам оқ танлилар билан бирдек хуқуқга эга деган умидда жануб томон йўл олишади. Афсуски, уларнинг талаби инобатга олинмай ер олиш насиб этмаганлигини тарихий адабиётлар тасдиқлайди, баъзи қабила аъзолари конституцияни кўрсатишиб, ўз хуқуқларини поймол этилаётганлигини исботламоқчи бўлишган. Аммо конституциядаги ҳинду қабилалари эмас, балки, туб америкаликлар деб ёзилганлиги, катта иркий можаро келиб чиқишига сабаб бўлган[50].

Боудинот шу заҳоти газетанинг агрессив позицияли йўлини танлаб, катта ҳажмдаги тарғибот - ташвиқот ишларини бошлаб юборади, газетадаги чиқишларида Боудинот ҳинду қабилаларининг тарихига оид бўлган маълумот тўплаб, уларга қарашли бўлган худудлар тарихига оид мақолалар чоп эта бошлади. АҚШ конгрессида Боудинотнинг бу харакатлари катта

---

[49] Constitution of Cherokee "(Чероки конституцияси) "Cherokee Phoenix" 1-сон.1828 йил .21 феврал
[50]Ross .J "Terra of Lands" //"Cherokee Phoenix , and Indian's Advocate"

хавотир уйғотади ва газетанинг нечоғли хавфли эканлигини тушиниб олишлари учун кифоя қилади.

Конгресс Американинг туб ахолиси ҳиндулар эканлигини исботламокчи бўлган Будинотдан қаттиқ норози бўлади.

Эллиас Боудинот бу иши билан ҳинду қабилаларининг бош етакчиси АҚШ конгресси ва черокилар ўртасида дипломатик воситачи роли ўйнаган Жон Росснинг фаолиятини ҳам хавф остига солиб қўйганди. Ушбу масала юзасидан Жон Росс бир неча марта АҚШ конгрессига чақирилтирилган. Тазйик остида колган Жон Росс черокиларнинг сиёсий раҳбари сифатида Эллиас Боудинотни нашриёт ишидан четлаштиришга мажбур бўлди.

Жон Росс ўзининг тутинган акаси, бир қадар конгресс қарорларига мойил бўлган Илья Хиксни чероки матбуот органига мухаррирлик лавозимига номзодини конгрессда кўрсатишга мажбур бўлади. Американараст Хикснинг номзоди конгрессда ҳам қўллаб - қувватланади. Айнан, унинг муҳаррирлик фаолияти давридан бошлаб, ҳинду қабилаларининг маърифатсизлиги, мустақил хаёт кечира олмаслиги, ҳатто-ки турмуш тарзини олиб боришда салоҳиятга эга эмаслиги каби ёлғонлардан иборат мазмунга эга бўлган мақолалар “Чероки Феникс” сахифаларда учрай бошлайди. Бу эса, “Чероки Феникс” газетасининг ёпилиши учун замин ҳозрлади.

Бу Эллиас Боудинот мақолаларига зид ғоялар чоп этила бошланиб, ҳиндуларнинг курашувчанликларини сўндиришга хизмат қила бошлган матбуотдан черокиларнинг ҳафсаласи қайта бошлаган эди. Чероки қабилалари бўларни ўқиб умидсизликка туша бошлашган, шу билан бир каторда газета уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилмаслигини англаб, норозилик белгиси сифатида газетанинг хайрия қутусига ўз хиссаларини қўшмасликка қарор қилишган.

Ҳиндулар матбуоти ва нашриётининг биринчи бор тугатилишида бош муҳаррир Эллиас Боудинотнинг ҳаддан ташқари ҳиндулар манафаатига таълуқли масалаларга кескин фикр билдириши ҳам сабаб бўлди. шунинщдек,

ундан кейин муҳаррир бўлган Илья Хикснинг ҳиндуларга нисбатан тутган хиёнаткорона йўли сабаб бўлди.

Шу ўринда Эллиас Боудинотнинг матбуотдагина эмас, балки босмахоначиликда ҳам улкан тажрибага эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳиндуларнинг босмахона ишларидаги фаолияти ҳам таҳсинга сазовор бўлиб келиб чиқиши чероки ҳиндулардан бўлган Эллиас Боудинот Коннектикут штати Карноул шахрида ўз малакасини ошириб, ўзининг бор имкониятини Корноулда очилган бир неча нашриёт уйларида кўрсата олди. Ушбу нашриёт уйлари АҚШ хукуматига тегишли бўлганлиги учун ҳар йили янги нашр этувчи, чоп этувчи, ҳарф босувчи мутахассислар ўрин алмашиб ишлаган. Ўша пайтида Эллиас Боудинот ҳам улар билан биргаликда ишлаб тажриба ортирди.  У ёш бўлсада “Кичик елкаларида катта орзуларни кўтариб юрарди”. Унинг бундай шижоатини кўрган Жон Росс ўша пайтларда “Чероки Феникс” нашриёти учун ходимларни тўплаб юрган вақтда миллий нашриётда ва босмахонада ишлаш учун таклиф қилган. Нашриёт ишларидан тўлиқ хабардор бу йигитчанинг яна бир жихати Жон Росснинг диққатини тортган. “Бу унинг келиб чиқиши “ бўлиб, бу Жон Росс негадир чўчиган. Жон Росс лавозимга Эллиас Боудинотни  тайинлаш газетанинг тақдирига, келажагига зарар етказиши мумкинлигини ҳам ўйлаган эди. Эллиас Боудинотнинг номзодини АҚШ конгрессига кўрсатишдан олдин уни Арканзас штатидаги ҳарбий лагерга юборган. Қарийб уч йил Э. Боудинот ҳарбий лагерда бўлган. Боудинот ҳарбий лагерда туриб атрофда бўлаётган воқейликлар, ҳиндуларга нисбатдан қилинаётган жабр–зулм ҳар бир бўлаётган воқеани борича қабул қила оладиган даражада бўлишини Ж. Росс хохлаган эди.  Ҳарбий лагердан қайтган Э. Боудинот ташқи қўринишидан ўзгарган бўлса–да, у ички дунёсини ўзгартирмай  келганлигини юқоридаги фикрлар орқали билиб олиш мумкин.

Эллиас Боудинотнинг кескин феъли етарлича ўзгармаганлигини инобатга олган Жон Росс “Чероки Феникс” матбуотининг фақатгина муҳаррирлигини топширган. Дастлабки даврда бутун матбуот ишлари

назорати, ҳамда газетадаги ҳар бир ҳарф Жон Росс томонидан назоратдан ўтиб, кўриб чиқилган.

Эллиас Боудинот кейинчалик миллий ватанпарварлик руҳидаги мақолалари билан газетада ўзини кўрсатишга ҳаракат қилди. Унинг мақолалари борган сари мазмун жихатидан АҚШ хукуматига қарши қаратилганлиги очиқдан – очиқ намоён бўлаётган эди. У ҳинду қабилаларини оқ танлилар билан бир хил хуқуқга эга бўлиш тарафдорларидан бири эди. У ўзининг кескин фикрлари билан бир неча бор АҚШ конгрессида ҳам қатнашди. Оқибатда, Эллиас Боудинотнинг ҳар битта иши, ҳаттоки сўзи АҚШ конгресси томонидан танқид остига олиниб, бу унинг фаолиятига якун ясади. У муҳаррир бўлган дастлабки йиллярданоқ, АҚШ конгресси "Чероки Феникс" газетасида ўз назоратини ўрнатиш учун бир қатор шахсларни агент этиб тайинлайди. "Чероки Феникс" газетаси учун тайинланган анентлар АҚШ конгресси томонидан 1829 йил, 20 сентябрь куни № 5 – А 477 рақамли қарорига кўра қуйидаги шахслар этиб тайинланган. Улар, Mears Pear, William. C, Geosse M, Tomas Hastings, Augustia Georgia, William M, Mayhew Powal, Crtaus Kingrue, James Kampnell, Mr Tros, P. Gold, Jenert Thills кабилардир[51].

Кейинчалик, Эллиас Боудинотнинг ҳиндулар олдидаги хизматини юқори баҳолаган Илья Хикс; – "Унинг хизматлари газета учун бебаходир. У нафақат таржимон, муҳаррир, ҳарф терувчи, саҳифаловчи, дизайнер бир сўз билан айтаганда газетанинг ҳар бир жихати Эллиас Боудинотга боғлиқ эди. Газета Э. Боудинотсиз нафас ҳам ололмасди. Унинг ҳар томомлама билимидан тажриба олишни газетанинг ҳар бир ходими ўз олдига мақсад қилиб қўйиши керак[52]" – деган жумлаларни келтириб ўтади.

Эллиас Боудинот ва унга ўхшаган миллийликни сақлаб қолиш учун курашувчи ватанпарварлар фаолияти натижасида АҚШ конгресси ва

---

[51] Jeams Tear "Agents for the Cherokee Phoenix" ("Чероки Феникс" газетаси учун тайинланган анентлар")// "Cherokee Phoenix" Nyu Exota 23 - сон, 1829 йил, 22 сентябрь.
[52] Hiks. I. "Mistake of E.Boudinot"("Э.Боудинот хатолари" )// "The Cherokee Advocate" 32 - сон. 1852 йил, 28 сентябрь.

ҳиндулар ўртасида низолар вужудга кела бошлайди. Шу сабабли 1848 йил май ойида АҚШ конгрессида ҳинду қабилалари актларининг анча тўлиқ варианти қабул қилган. Ушбу актда ҳиндуларнинг эркинлигини янада камайтиришга оид фикрлар мавжуд эди. Ундаги қўшимчалар аввалги меъёрларни янада мустахкамларди.

Ҳиндуларнинг оқ судда судланиши, ҳинду қабилаларнинг қабила бошлиғи бундан кейин сайланмаслиги, ҳинду қабилалар орасида фаолият кўрсатаётган ҳар қандай йиғилиш, ташкилотлар фаолиятини таъқиқлаш, ҳинду қабилаларининг саводини чиқариш, ҳиндуларнинг эскилик сарқитларидан холос қилдириш, ҳиндуларга (бўйсунмас) алохида кварталларга ажратиш, уларга нисбатдан назорат чоралари кучайтириш кабилар ўрин олган эди.

1850 йилги “Чероки адвокат” саҳифаларида бу актлар мунтазам чоп этилиб борилди. Аммо, бу актлар мазмуни газетадаги ҳар бир сонда бир - бирини инкор этадиган мазмунга эга бўлганлиги, ҳиндуларни иккилантирган. Шу сабабли ҳинду қабилалари АҚШ конгрессидан ихчам қонун - қоидалар ишлаб чиқишни талаб қилганлар, аммо актлар ўзагартирилмай қолган.

Расман кучга эга бўлмаса - да қабилалар ўз билганича бир неча масалаларда ўзлари қарор чиқариш уддасидан чиқа олган. Негадир, АҚШ конгресси ҳам бунга бефарқ қараган. Эҳтимол ортиқча кескинликнинг зарурати йўқ деб ҳисоблаганлиги сабаб бўлгандир. АҚШ Конгрессининг бефарқлиги эҳтимол, ҳиндуларга ён берилган бўлса керак, ҳар бир масалада эркинликни қўлга киритаётгандек таъсурот уйғотган. Улар қайта ҳам фикрлар йиғинлари, улар билан боғлик бўлган маросимлар, тўгаракларни тиклай бошладилар. Уларнинг фаолияти анча кенгайди. Улар ўзларининг фаолиятлар тўғрисида матбуот орқали маслакдошларига маълумот бериб бордилар. Шундай ҳаракатлардан бири сифатида Бишп имзоси билан босилиб чиққан мақолани кўрсатиш мумкин.

Бишп “Чероки Адвокат” газетасининг 1852 йил 28 сентябрдаги сонида “Порлаётган қуёш” мақоласи орқали ёш ҳиндуларнинг ҳаракатини ёритади. Ушбу ҳаракат, оқ суяк аёлларни ҳам ўзига жалб қилган. Ҳаракат аъзолари ёш бўлишига қарамай, ўта қизиқувчанлиги, ҳар бир нарсани билишга интилиши ва албатта инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишлари мисс Комбе, мисс Сара Литл Жонс, мисс Педж каби аёлларни ёш ҳинду болаларига инглиз тилини бепул ўргатиш иштиёқини туғдирган. Улар ўз ихтиёрлари билан кўнгилли равишда тил ўргата бошлаганлар[53].

Аёллар эса ҳинду болаларининг ҳар кандай талабларини бажариб уларга ўқиш, ёзишдан ташқари ҳар хил ўйинлар билан дарс ўта бошлаганлар. Ёш болалар эса оқ танли хонимларга ўзларининг оддий халқ ўйинларини намойиш этишган. Ҳинду кабилалари хусусан чероки қабилаларида бола тарбиясида ўта эхтиёткорлик билан ёндашиб, бунда тарихий хотирани мустаҳкамлаш, урф – одат, қадриятларни авлоддан – авлодга етказиш, табиат билан уйғунликда бўлибгина эриша олиш мумкин дея ҳисоблашган. Маърифатпарварлар тўгараги, хотин - қизлар саводини чиқарувчи бир неча гимназиялар, ёш ҳинду болаларнинг “Порлаётган қуёш” номли ҳаракатлар фаолияти “Cherokee Phoenix”, кейинчалик эса “The Cherokee Advicate” газета саҳифаларида чоп этиб борилар эди. Бу эса, ўз навбадтида АҚШ ҳукумати ҳукмрон доираларини ваҳимага сола бошлади. АҚШ ҳукуматининг ҳинду қабилаларини маънан ва жисмонан йўк қилиб юборишга қаратилган сиёсатидан келиб чиққан ҳолда шундай ҳулосага келиш мумкинки, ҳинду қабилалари орасида маърифатпарварлик ғояларининг кенг ривожланишини таъминлаётган матбуот органлари фаолиятини чеклаш пайига тушиб қолдилар.

АҚШ фуқаролари ва ҳиндулар ўртасидаги можаролар ва муносабатларнинг кескинлашуви ҳам ҳиндуларнинг ҳақ – ҳуқуқларини чеклашга, матбуот органларининг ёпиб қўйилишига баҳона бўлиб хизмат қилади. Ерларнинг нотўғри тақсимланиши ҳинду қабилаларда норозилик

[53] Uiller “Act’s of Cherokee” (Cheroke qabilalari aktlari)//”The Cherokee Advocate”32-сон.1852- йил 28 сентябрь

уйғотади. Жоржия, Алабама, Теннесси, Шимолий Каролина, Арканзас, Оклахома ва Техас штатларида ерлар тақсимланишига доир масалалар юзасидан АҚШ Халқ суди кескин қарорлар чиқарди[1]. 1831 - 1839, 1843 - 1846 йиллар давомида ер тақсимланиши ишлари Халқ суди АҚШ конгресси ички назорат қўмиталари томонидан аниқланди. Ерлар бундай тақсимланишга сабаб ҳинду қабилалар бошлиқларининг зуғуми этиб кўрсатилган эди. Ерлар тақсимланаётганда ўлчамларга риоя қилинмаган холатда, тартибсиз тақсимланишда бир неча ҳинду қабила бошлиқларининг айби борлигини кўрсатиб, уларга нисбатан оқ судларда айблов эълон қилиниши тўғрисида АҚШ конгресси ҳинду қабилалари кенгашида баёнот юборади. Шунга қарамай, Чоктава қабила бошлиғи Ананени ер тақсимланиш ишларида АҚШ конгресси белгиланган ер тақсимланиши меъёрларга риоя қилмаган холда АҚШ ер - сув департаменти ва агентларига зуғум қилиб, ҳатто - ки уларнинг шахсиятига дахл қилиб, иложи борича кўпрок худудни эмас, балки камроқ ер талаб қилдирган. Чоктаваликлар ўз қабила бошлиқларининг фикрларини маъқуллашиб кам ер берилганда мажбуриятлар ҳам ўшанга яраша камроқ бўлишини билишса - да, аммо, уларнинг бутун турмуш хаёти ерларга боғлиқ эди ва улар Алабама штати агентига ҳужжатда кўрсатилган асосда ерни кайта тақсимлашни сўрашади[54].

1831 йилда қилинган ер ислоҳатсиз бўлганлигини айтиб, улар ўз қабила бошлиқларининг қилмишларини фош этиб қўйишади. Ўшандан биён Чоктаваликлар Америка хукумати наздида сотқин қабила сифатида қолди. Уларнинг талаби қондирилмади ва аксинча, Аннание оқ судда тахқирланиб, унга ўлим жазоси белгиланди. Суднинг бундай кескин қарори бошка ҳинду қабилаларида АҚШ хукуматга нисбатдан норозилик уйғотди. Ушбу холат уларнинг бирлашишлари кераклигини англашлари туртки бўлди. Бугун Чоктаваликлар тахқирланган бўлса, эртага бошқа ҳинду қабиласи бошига

[54] Wheler. F. “Joint of Cherokee” (“Cheroke qabilalari birlashing”)//“The Cherokee Advocate” 32 - сон. 1852 йил, 28 сентябрь

шундай кунлар тушуши мумкинлигини газета саҳифаларида нашр этилаётган мақолалардан ўқиб англаб олишди.

Ҳинду қабилалари ер тақсимланиши масаласида бошқа - бошқа фикрда бўлсалар - да, аммо ҳар бир қабиланинг обрўси шаънига теккан гапни кечиролмасликлари, ҳар бир қабила ҳиндуларнинг бир кисми деб қарадилар. Агар дарахтнинг бир қисми олиб ташланса ўша жойдан бошлаб дарахт қуриб қолишга ишонганлар. Шунинг учун Аниниенинг ўлим жазосига тортилишига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Лекин, уларнинг талаби қониқтирилмади. Аниние осиб ўлдирилди. Ўтмишдаги бу воқеалар ҳинду қабилаларини анча сергак тортирди. 1842 йилда орадан 10 йил ўтган бўлса-да, ер учун бахс мунозаралар АҚШ хукумати ва ҳинду қабилалари ўртасида тугамади. Айнан ер тақсимланиши масаласи кейинчалик АҚШ хукумати томонидан чиқарилган барча қарорларнинг ҳинду қабилаларнинг томонидан менсимасликка сабаб бўлди.

Дараҳақиқат АҚШ хукуматининг Чероки ерларига бўлган даъволари ва айрим қабила бошлиқларининг сотқинлик натижасида 1835 - 1838 йилларда черокилар ғарбга ҳозирги Оклахома худудига мажбуран кўчирилади[55]. Уларнинг бир қисми тоғларга қочиб ўз ватанида қолишга муваффақ бўлади. Мажбурий кўчириш, зўравонлик билан бўлганлиги боис, “Чероки Феникс” газетаси ҳам ёпиб қўйилади. Кейинчалик, “Чероки Феникс” газетаси ўрнига ҳиндулар эрки ва озодлиги, ҳақ хуқуқи ва миллий ўзликни англашга қаратилган. “The Cherokee advocate” деб номланган матбуот органи 1844 йилдан чоп эта бошланди. Бу ҳинду матбуотининг иккинчи даври эди.

Чероки қабиласи томонидан нашр этилиши назарда тутилган матбуот органи 1843 йил 25 октябрда ҳиндулар худудида жойлашган қабилалар миллий кенгаши томонидан инглиз ва чероки тилларида нашр этишга қарор қилинади. Газетанинг нархи сотувда 2 $ ташкил этган бўлиб, унинг тиражи мунтаъзам бир хил бўлмаган. Энг кўп тиражи 1873 йилда кузатилган бўлиб, унинг 1873 йил 8 феврал 41 сонида тиражи 145 дона деб кўрсатилган[2].

55

Бу даврда Боудинот ва Жонсонлар оиласи черокиларнинг маънавий, сиёсий етакчилари сифатида намоён бўлдилар. Улар ҳинду матуботини ўша даврнинг энг қизғин ижтимоий–сиёсий, маданий янгиликлари билан таништириш баробарида, нафақат чероки қабиласи, балки бошқа ҳиндуларнинг ўзликни англаш хусусида ўткир мақолалар ёзганликлари билан ажралиб туради. Айниқса С. Жонсон бу борада катта шижоат кўрсатиб газетага ўша даврнинг ўткир ижтимоий мавзуларга оид 154 турли масалалар юзасидан мақолалар чоп этган. Жонсоннинг Индиана худуди маъмурий бошқаруви ҳақида, чероки қабиласи миллий уруғ-қабила бошқаруви ҳақида, ерларни тақсим қилиш комиссияси ва унинг раҳбари Девис ҳақида чероки қабиласи етакчиси Харрис унинг етакчилик даври ва қабила кенгаши олдидаги хизматлари ҳақидаги мақолалари ва фикрлари катта аҳамиятга эга эканлиги билан ажарлиб туради[56].

Ҳинду чероки қабиласининг ушбу матбуот органи ҳинду қабилаларини бирлашишига, ўзликларини сақлаб қолишга ва миллий озодликка чорлагани сабабли, бир неча маротаба АҚШ хукумати томонидан турли бахоналар билан ёпиб қўйилган. Шу жумладан, 1844 – 1858 йиллар оралиғида нашр қилинган газета фаолияти бир муддат АҚШ хукуматининг таъзийқи остида тўхтаб қолади. Бу газетанинг иккинчи бора ёпилиши бўлиб, анча вақтгача ҳиндуларга АҚШ ҳукумати ўз матбуот органларига эга бўлишлари учун тўсқинлик қилишга мувоффақ бўлади.

Ҳиндуларнинг саъй – ҳаракатлари билан АҚШ конгресси 1870 йил 26 апрелдан қайта ҳинду матбуотига рухсат беради. Бу сафар черокиларнинг “Чероки адвокати” матубот органи 1875 йилга қадар фаолият юритишга мувоффақ бўлади. Газетада ўз даврининг ўткир мақолалари чоп этила бошланганлиги сабабли, 1875 йили нашриёт биноси сирли равишда ёниб кетади ва ундаги матбаа ускуналари ҳам ишлатиб бўлмас ҳолатга келиб қолади. Учинчи маротаба эса 1876 йилдан бошлаб “Чероки адвокати”

[56] Jonson C.”The Dawes Commision ,Cherokee nation govermental issues “(Чероки қабиласи миллий уруғ-қабила бошқаруви ҳақида, ерларни тақсим қилиш комиссияси ва унинг раҳбари Девис ҳақида)//The Cherokee Advocate “.Texlequa.82-сон.1884 йил,29-март

газетаси нашр этила бошланган ва ушбу ҳинду қабиласи матбуот органи 1906 йилгача, чероки қабиласи АҚШ маъмурлари томонидан мажбурий равишда тарқатиб юборулгунга қадар чоп этилиб турилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, АҚШ ҳукумати маҳаллий ҳиндуларнинг ўз эрки ва озодлигига эришуви, маънавий ва моддий юксакликка кўтарилишига ҳар томонлама қаршилик қилган. Матбуот саҳифаларидаги АҚШ фаолиятига қарши бўлган мақолалар сонининг кўпайиб бориши билан ушбу матбуот ва нашриёт органларини турли баҳоналар билан ёпиш ҳаракатига тушиб қолган. Черокиларнинг матбуотчилик ва нашриётчилик ишидаги қаҳрамонликлари эса, таҳсинга сазовор бўлиб, бир неча марта ёпилишига қарамай, зўр матонат ва катта қийинчиликлар билан ўз матбуот органлари ва нашриётларини тиклашга мувоффақ бўлганлар. Жаҳон тажрибасида бунга ўхшаш мсиолларни учратиш камадан – кам эканлигини инобатга олиб, уни ўрганишимиз ва ўрнак олишимиз бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

## II. 3. Чероки матбуот ва нашриётчилик ишининг тарихий тақдири ва аҳамияти.

Ҳиндулар матбуоти ва нашриётчилик иши АҚШ хукумати томонидан турли хил сабабларга кўра тўхтатилган бўлса-да, ҳинду қабилалари орасидан етишиб чиққан маърифатпарварларнинг давомчилари бўлмиш Б. Росс (Жон Росс ўғли), W. Ross ҳамда ҳиндулар худудида фаолият юритган сиёсий агентлар C.A. Cummins, Mr. Smith Гордон, Форд Гибсон кабилар шарофати билан ҳиндулар матбуоти, нашриётчилик иши қайта жонлантирилишига эришилди. Дастлабки қадам нашриёт уйидан мажбуран олиб кетилган нашриёт дастгоҳлари сақланаётган жойи аниқланди ва зудлик билан АҚШ хукуматига очиқ ким очди савдоси уюштирилиб унда дастгоҳлар қўйилишини талаб қилишди. 1918 йилдаги ким ошди савдосига f-1210913 сер номи остида муҳрланган чероки матбуот ва нашриёт уйига тегишли бўлган матбаа дастгоҳи, Форд Гибсон томонидан сотиб олинганлиги “Нью-Йорк таймс” (АҚШ даги энг машҳур ҳафталик газета, ойлик журнал) саҳифаларида босилиб чиқилди. Ушбу хабар табиийки АҚШ хукуматини ташвишлантирди. Лекин, Форд Гибсон ушбу дастгоҳни матбуот ишлари учун эмас, ўзининг шахсий коллекцияси учун сотиб олинаётганлиги ҳақида баёнот бериб, ҳукуматни бир қадар тинчлантришга эришади. (1898 йил 7 майдан Форд Гибсон Аклахома штатида ҳиндулар масалалари бўйича сиёсий агенти лавозимида фаолият юритганлиги маълум). Форд Гибсон ушбу матбаа дастгоҳни фойда олиш мақсадида бир неча ўша даврдаги матбуот ва

нашриёт уйларига фойдаланишлари учун ижарага бериб турган, хусусан “Нью-Йорк таймс” газетаси ҳам ушбу дастгоҳ ёрдамида бир муддат чоп этилиб, ўз муштарийларига етказилганлиги маълум. Ҳозирда, ушбу матбаа дастгоҳи Америка чероки ҳинду жамияти антикварияти муҳри остида чероки қабилалари суди биносидаги музей фондидан ўрин олган[57].

Чероки қабиласининг авлод-аждодларидан қолган маънавий ёдгорликнинг бир бўлаги бўлмиш “Cherokee Phoenix”, ҳамда “The Cherokee Advocate” газеталарининг ҳар бир сони тўпланиб, кейинчалик Оклахома университети кутубухонасида ташкил этилган ва ҳиндулар тарихига бағишланган “Western History Collections” (“Ғарб тарихи коллекцияси”) номи остида жамланганлигини кўришимиз мумкин.

“Ғарб тарихи коллекцияси” дан ўрин олган газета сонлари ичида энг қимматлиси бўлиб, черокиларнинг дастлабки матбуот органининг дастлабки сони, яъни, “Cherokee Phoenix” газетасининг 1828 йил 21 феврал New Echota да босилиб чиққан биринчи сони бўлиб ҳисобланади[1]. Ҳозирда ушбу соннинг икки нусхаси бизгача етиб келган. Улардан бирида Ч. Гавильтон имзоси қўйилган. Газетанинг биринчи сонининг нархи антиқашунослар томонидан 15 минг АҚШ доллар деб бахоланган. Чероки матбуотининг тарихий аҳамияти шундаки, у ҳиндуларда миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини сақлаб қолинишига мувофақ бўлган ва ҳозирги кунда АҚШдаги черокилар “Cherokee Phoenix” номи остида янги матбуот уйи фаолиятни йўлга қўйганларини интернет саҳифалари орқали билиб олиш мумкин[58]. Ушбу газета тарихий номни қабул қилиб ҳозирги пайтда Жоржия, Арканзас штатларида яшаб келаётган ҳинду Чероки, Чоктава, Арапаха ва бошка қабила вакиллари (издошлари) янги авлодлари вакилларини ўзининг мазмунли мақолалари, дунё хабарлари ҳамда “Cherokee Phoenix” газета сонларида

---

[57] http://libraries.ou.ed/locations

[58] w.w.w.Cherokee Phoenix.com//press machine.html

босилиб чиққан ҳинду қабилалари тарихи турмуш тарзи, урф-одатлари акс этган мақолалар билан хушнуд этиб келмоқда.

"Cherokee Phoenix" газетасининг бугунги кўриниши ҳам ўзининг дастлабки даврдаги тарихий кўринишини ўзгартирмаган, газетанинг бош саҳифасида Феникс қуши акс эттирилган. Фарқли томони шундаки, ушбу газета хозирда факат инглиз тилида чоп этилмоқда. Ҳозирги кундаги чероки матбуотининг муҳаарири Э. Гиета хони бу хусусда фикр юритиб; "Бунга сабаб черокилардан келиб чиққан ҳозирги вакиллари ота-боболари фойдаланган чероки силлабик алифбосидан умуман хабарлари йўқлигида[59]" - дея таъкидлайди.

Силлабик алифбога мослаштирилган нашр дастгоҳи ҳозирда, Чероки халқи миллий музейида сақланиб келинмоқда. Фойдаланишга яроқли бўлса-да, нашр жараёнининг ўта мураккаб бўлганлиги ва силлабик алифбодан ҳеч ким фойдаланмаётганлиги учун ундан фойдаланилмаяпти. Оклохома университети талабалари унинг устида кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказиб келмоқдалар. Уларнинг натижалари газета саҳифалардан ўрин олиб келмоқда. Ҳиндуларнинг маърифатпарварлик фаолияти ва тараққийпарварликнинг маҳсули бўлган "Cherokee Phoenix" газетаси бугунга қадар дунё юзини кўриб келмоқда.

Чероки матбуотининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, у черокиларнинг халқ сифатида шаклланиши ва уларнинг ўз анъаналарига сақлаб қолиб ҳозирга қадар давом эттириб келишларига туртки бўлди десак муболаға бўлмайди. Жумладан, Чероки ҳинду қабилалари томонидан ташкил этилган "Маърифатпарварлик" тўгараги "Logd" номли, ҳамда "Lodge" (инглизча айлана, тўгарак деган маънони англатади) номлари остдида 1939 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. "Lodge" тўгараги музейида «Cherokee Phoenix» газетаси сонларидан лавҳалар, "Lodge" тўгаргининг ўтмишдоши "Маърифатпарварлар" тўгараги етакчилари фаолиятларидан

---

[59] .Gieta E."Cherokee's Lodge circle"(Черокиларнинг маърифатпарвар тўгараги)// "The Cherokee Advocate "Nyu Jorjia.58-сон,1987йил,18март

фото йиғма жилдлар ҳамда "Cherokee Phoenix" нашриёт уйи пештоқини безаган Феникс тасвири сақланмоқда[60]. Ҳақиқатдан ҳам Феникс қуши ҳинду матбуоти ва нашриёти тарихий тақдирини мана шундай бахтли келажак сари етаклай олди десак муболаға бўлмайди.

Черокилар орасида нафақат ўз қабиласи матбуот органларининг ноширлари балки, ўша давр АҚШда машҳр бўлган матбуот органларининг муҳаррирлари ва ноширлари ҳам етишиб чиқди. Улардан, Жон Роллин Ридге (1827 – 1867 йй) "Sacramento Bee" матбуот органи муҳаррири, "Хоакин Мурietанинг ҳаёти ва бошдан кечирганлари", "Калифорниялик машҳур бандит" каби асарларнинг муаллифи бўлиб етишган бўлса, Жон Милтон (1874 – 1947 йй) "Нью Йорк ирвинг пост" газетаси муҳаррири "Уч оғайни", "Қора Жек Эви" каби асарлар муаллифи бўлган. Ушбу шахслар фаолиятини оддий матбуотчиликдан бошлаб, кейинчалик газета муҳаррилиги ва ноширлик даражасига қадар бориб етганлар.

Черокиларнинг табиат ва жамият ривожини уйғунликда сақлаш хусусидаги ҳаракатлари XIX аср бошларидаёқ алоҳида асарлар шаклини ола бошлаган эди. Жумладан, Чероки қабиласи вакили Т. Горрест 1829 йилда "Memorial of the Cherokee Indians" ("Ҳинду Черокиларининг ёдгорликлари") номли асарини ёзиб нашрдан чиқаради. Унда ҳиндуларнинг она табиат, табиий кучлар ва инсонлар ўртасидаги муносабат, ўзаро муносабатлардаги черокиларнинг гўзал одатлари, аньаналар, черокиларнинг табиат билан боғлиқ маросимларини сақлаб қолиш хусусидаги фикрлар устунлик қилади. Китобни ҳамма ҳам топиб ўқий олмаслигини инотга олинган ҳолда, унинг асосий мазмуни ўша вақтда чоп этилган матбуот саҳифаларида ҳам босилган[61].

Ўз ёзувлари, матбуот ва нашриёт ишларини ташкил этиш орқали ҳинду қабилалари дунёга машҳур олимларни етиштириб бердилар. Мисол тариқасида уларнинг айримларини келтириб ўтишни лозим топдик.

---

[60] Gieta E."Cherokee's Lodge circle"(Черокиларнинг маърифатпарвар тўгараги)// "The Cherokee Advocate "Nyu Jorjia.58-сон,1987йил,18март
[61] Cherokee Phoeniks. 1830. 20 January. Vol. II.

Жумладан, АҚШ ҳудудининг Жанубий – Шарқий ҳудудларида истиқомат қиладиган ҳиндуларининг этнографияси, археологияси билан шуғулланган таниқли олим Э. Дозье, Америка ҳиндулари миллий конгресси асосчиси, XX аср ўрталаригача ҳиндуларнинг турмуш тарзи ва аҳволи ҳақидаги қатор илмий асарлар муаллифи Флаетхед қабиласи вакили Дарси Мак Найкл, Оклахома ҳудудида яшовчи ҳиндуларнинг тарихи, этнографияси билимдони Чоктава қабиласидан Мюриел Райт, 1930 йилда Санкт – Петербургда аспирантура таҳсилини ўтаган Сахаптинлардан бўлган этнограф олим А. Финней ва бошқаларни мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин[62].

Хулоса қилиб айтганда, ҳинду қабилаларининг мустамлака шароитида ўз маданияти, урф – одат аньаналарини сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш борасидаги саъй – ҳаракатлари изсиз кетмади. АҚШ ҳиндулари томонидан вужудга келтирилган нашриёт, матбуот, турли – туман соҳаларда чоп этилган адабиётлар улар тарихининг бир бўлаги бўлиб ҳисобланади. Уларни ўрганиш ва тадқиқ этиш бугунинг долзарб вазифаларидан бири деб ҳисоблаймиз.

[62] Культура Индейцев М: “Изд АН”; 1963. – С. 327.

## Хулоса

Бир сўз билан айтиш мумкинки, ибтидоий жамоавий тартиблардан жуда тез орада бозор муносабатларига асосланган жамиятга ўтиш черокилар учун жуда қимматга тушди. Аммо, мавжуд вазиятда уларнинг қисқа муддат ўз алифбосига эга бўлганлиги, матбуот ва нашриётларига асос солганлиги бир қатор ҳинду қабилалари орасида маърифатпарварлик ғояларининг тарғиботчиси бўлганликлари, шунингдек, миллий ўзликни сақлаб қолганликлари кабиларни жасорат сифатида баҳолаш лозим деб ҳисоблаймиз.

черокиларнинг матбуот ва нашриётчилик фаолиятининг дастлабки даврларидаёқ нафақат ижтимоий – , иқтисодий, сиёсий ва маданий – маърифий соҳаларда ўзларини кўрсата олдилар. Уларнинг саъй – ҳаракатлари ва ютуқлари АҚШ чегарасидан ташқаридаги ҳиндуларни ҳам илҳомлантирди. Бир қатор қабилалар жамият ҳаётида ўзларининг мавжуд эканликларини англадилар, ўз фаолиятларида черокилардан ўрнак олиб юрита бошладилар. Бу эса, ҳиндуларнинг яшаб қолишларини таъминлаб, уларнинг ўз ўтмишига қизиқишининг ортишига, уни асраб авайлаб келажак авлодларга етказиш ҳаракатининг авж олишига хизмат қилди.

Чероки матбуотида мавзулар кенглиги, жамиятнинг турли жабҳаларни қамраб олиши, ўз даврида АҚШ ва унинг ташқарисида бўлган ҳиндуларнинг ҳам чероки матбуотига бўлган қизиқишларига сабаб бўлди. чероки матбуот органларида кўтарилган мавзулар ҳинду қабилалари орасида қўллаб – қувватланиб, унинг амалий ечимлари сари бирлашиб қадам ташлашга ҳинду

қабилаларини чорлаганлигини кўриш мумкин. Айнан шу сабабли кўпгина қабилалар тез орада АҚШда халқ деб эътироф этила бошланган эди.

АҚШ ҳукумати маҳаллий ҳиндуларнинг ўз эрки ва озодлигига эришуви, маънавий ва моддий юксакликка кўтарилишига ҳар томонлама қаршилик қилган. Матбуот саҳифаларидаги АҚШ фаолиятига қарши бўлган мақолалар сонининг кўпайиб бориши билан ушбу матбуот ва нашриёт органларини турли баҳоналар билан ёпиш ҳаракатига тушиб қолган. Черокиларнинг матбуотчилик ва нашриётчилик ишидаги қаҳрамонликлари эса, таҳсинга сазовор бўлиб, бир неча марта ёпилишига қарамай, зўр матонат ва катта қийинчиликлар билан ўз матбуот органлари ва нашриётларини тиклашга мувоффақ бўлганлар. Жаҳон тажрибасида бунга ўхшаш мсиолларни учратиш камадан – кам эканлигини инобатга олиб, уни ўрганишимиз ва ўрнак олишимиз бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ҳинду қабилаларининг мустамлака шароитида ўз маданияти, урф – одат аньаналарини сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш борасидаги саъй – ҳаракатлари изсиз кетмади. АҚШ ҳиндулари томонидан вужудга келтирилган нашриёт, матбуот, турли – туман соҳаларда чоп этилган адабиётлар улар тарихининг бир бўлаги бўлиб ҳисобланади. Уларни ўрганиш ва тадқиқ этиш бугунинг долзарб вазифаларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб,

- “Чероки Феникс” ва “Чероки адвокат” матбуот органлари саҳифаларидаги материалларни ўрганиш орқали АҚШ ҳудудларида яшаган ҳиндуларнинг XIX асрда ва XX аср бошларига оид тарихига бағишланган асарлар яратиш;
- Ҳиндуларнинг миллий ўзликни англаш, миллий ўзликни сақлаб қолиш борасидаги фаолиятларини ўрганиб, юртимиздаги бу борадаги жараёнлар билан қиёсий таҳлил қилиш;

- АҚШ каби ривожланган мамлактда черокиларнинг яшаб қола олишига бағишланган кўргазмалар ташкил этиш,

- Сақланиб қолинган қадимий урф – одатларни ўрганиб, ибтидоий тарихнинг айрим муаммоли саволларига жавоб топиш кабиларни таклиф ва мулоҳазалар сифатида келтириб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

## Фойдаланилган адабиётлар

### Президент И. А. Каримов асарлари


1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Фан; 1998.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият; 2008.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир – Т.: Ўзбекистон; 1996.


### Тарихий адабиётлар


4. Культура Индейцев – М.: Изд АН; 1963.
5. Народы и религии Мира. – М.: Наука”; 1999


### Адабиётлар


6. Bishep “Shining Sun” (“Порлаётган қуёш”)// “The Cherokee Advocate” 32 - сон. 1852 йил, 28 сентябрь.
7. Constitution of Cherokee (“Чероки конституцияси”) “Cherokee Phoenix” 1 - сон. 1828 йил, 21 февраль.
8. Children Station Letter (“Болалар мактублари рукни”)// “Cherokee Phoenix” 17 - сон, 1828 йил, 18 июнь.
9. Edear Z “Press costs” (“gazeta obuna narxlari o’zgardi”)// “Cherokee Phoenix” Nyu Exota,18 - сон,1834 йил, 12 март.
10. Gibson F. “Act’s of press” (“Нашриёт низоми”)// “The Cherokee Advocate” Tehlequa 41 - сон, 1873 йил, 8 февраль.

11. Gieta E. “Cherokee’s Lodge circle” (“Черокиларнинг маърифатпарвар тўгараги”)//“The Cherokee Advocate” Nyu Jorjia 58 -сон, 1987 йил, 18 март.

12. Houcker E. D. “Press 1827 - 1829 for Cherokee Phoenix” (“1828 - 1829 йиллар Чероки Феникс матбуотида нашр этилган эълонлар рўйхати”)//“Cherokee Phoenix, and Indian’s Advocate” Nyu Exota.11 – сон, 1829 йил, 17 июнь.

13. Hiks. I. “Mistake of E. Boudinot”(“Эллиас Боудинот хатолари”)// “The Cherokee Advocate” Nyu Exota 32 – сон, 1852 йил, 28 сентябрь.

14. Jeams Tear “Agents for the Cherokee Phoenix”(“Чероки Феникс” газетаси учун тайинланган анентлар”)//“Cherokee Phoenix” Nyu Exota 23 - сон, 1829 йил, 22 сентябрь.

15. Joe N and Wheler F. “Castings of press distributer” (“Gazeta tarqatuvchilar uchun musobaqa”)//“Cherokee Phoenix” Nyu Exota 23 - сон, 1829 йил, 22 сентябрь.

16. Joyn F. “Act’s of Cherokee” (“Чероке актлари”)//“Cherokee Phoenix, and Indian’s Advocate” Nyu Exota. 21 - сон. 1829 йил, 26 августь.

17. Jonson C.”The Dawes Commision ,Cherokee nation govermental issues “(Чероки қабиласи миллий уруғ-қабила бошқаруви ҳақида, ерларни тақсим қилиш комиссияси ва унинг раҳбари Девис ҳақида)//The Cherokee Advocate “.Texlequa.82-сон.1884 йил,29-март

18. Lavender M and John Gibbs “Information wanted”(“Газетхонлар учун суровномалар”)// “Cherokee Phoenix” Texlequa, 18 - сон, 1831 йил, 1май.

19. Miranda E. “For The Cherokee Phoenix congratulations”(“Чероки Феникс учун табрик”)//“Cherokee Phoenix” 17 - сон, 1828 йил, 18 июнь.

20. Miscelleous W. “To the Editors” (“Мақола муаллифларига мурожаат”)//“Cherokee Phoenix, and Indian’s A dvocate” Nyu Exota. 11 – сон, 1829 йил, 17 июнь.

21. Марс. С. “Female Seminaries”(“Аёллар семинариялари”)//“The Cherokee advocate” Техлекуа. 82 – сон, 1884 йил, 29 март.

22. Ross J. “Terra of Indian Lands ”(“Ҳиндулар резервацион ҳудуди”) //“Cherokee Phoenix, and Indian’s Advocate” Nyu Exota, 11 - сон. 1829 йил, 17 июнь.

23. Ross J. “USA Congress”(“АҚШ конгресси”)//“Cherokee Phoenix, and Indian’s Advocate” Nyu Exota. 38 - сон. 1829 йил, 30 ноябрь.

24. Ross.J.” for Education “(“ Maorif uchun ”) // “The Cherokee Advocate”Texlequa . 46-сон , 1853 йил, 18 март

25.Peterson J. “Printed machine by press The Cherokee Advocate”(“Чероки Адвокат газетасининг нашриёт ускуналари”)// “Nyu York Times” Nyu York, 18 - сон, 1913 йил, 22 августь.

26. Uiller .,Foster.J. “Official press editors and associate worker” (“Матбуот уйига тайинланган муҳаррир ва ишчи-ходимлар”)// “Cherokee Phoenix” Техлеқуа. 24 - сон. 1828 йил, 13 августь.

Uiller “Act’s of Cherokee” (“Cheroke qabilalari aktlari”)//“The Cherokee Advocate” 32 - сон. 1852 йил, 28 сентябрь.

27. Wudson W. “Program for Cherokee, Arapahoe, Chiena Nations” (“Ҳиндулар ҳудудидаги Чероке, Чиена, Арапахо қабилаларига нисбатан дастур”)// “The Cherokee Advocate” Техлеқуа. 56 – сон, 1896 йил, 25 июль.

28. Wheler F. “Cherokee’s Law”(“Черокее ҳуқуқлари”)//“Cherokee Phoenix” Ню Ехота. 2 - сон. 1828 йил. 1 март.

29. Wheler, Edear “Press costs”(“Газета обуна нархлари ўзгарди”)// “Cherokee Phoenix, and Indian’s Advocate” Nyu Exota. 22 - сон. 1834 йил,1май.

30. Wheler. F. “Joint of Cherokee” (“Cheroke qabilalari birlashing”)//“The Cherokee Advocate” 32 - сон. 1852 йил, 28 сентябрь

31. Xarris I. “Alphabet for Cherokee” (“Черокилар учун алифбо”)// “Cherokee Phoenix” Техлеқуа. 24 - сон. 1828 йил, 13 августь.

## Тезис ва мақолалар

32. Юнусова Б. “ АҚШ Ҳинду матбуоти тарихидан”// Бухоро Давлат Университети талабалар ва Педагог – ҳодимларнинг анъанавий 58- илмий – назарий конференцияси материаллари. - Бухоро. 2014. – Б. 5 – 6.

33. Орзиев М. З., Юнусова Б. Б. “Difficult ways edifying education”(Ибратли Маърифатпарварларнинг машаққатли йўли )//European Conference on Education and Applied Psychology. № 5 International scientific conference. - Вена. 2014. – р. 72 – 76.

34. Орзиев М.З., Юнусова Б.Б. АҚШдаги ҳинду матбуоти саҳифаларида табиат ва жамият уйғунлиги масалалари.//Бухоро Давлат Университети .Фалсафа кафедраси томонидан Ўзбекистонла хизмат кўрсатган фан арбоби ,фалсафа фанлари доктори ,профессор Муҳаммад Назарович Болтаев таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Фалсафанинг долзарб муаммолари “ мавзусида Республика миқёсидаги илмий-назарийконференция материаллари. - Бухоро. 2014. - Б. 39 - 40.

Интернет сайтлари

35. http://libraries.ou.ed/locations

36. http:// Wikipedia.org

37. w.w.w.Cherokee Phoenix.com

38. http//you tube//Fort Gibson

39.w.w.w.encuclopedia.com/1E1 Sequoyah.html

## Илова



Сеқуоя Чероки кабиласи маърифатпарварларидан бири . Чероки алифбоси асосчиси




Чероки силлабик (бўғинли)алифбоси



“Cherokee Phoenix” матбуоти ва нашриёти таъсисчиларидан бири. Ж.Росс



“Cherokee Phoenix” газетасининг бош муҳаррири Элиас Боудинот(1828-1836),(вафоти 1838 йил)




“Cherokee Phoenix” матбуоти  ва нашриёти ходимларининг фаолият жараёнидан фото лавҳа :ўнг қўлда ҳарф босувчи И.Харрис



“Cherokee Phoenix” матбуоти  ва нашриёти таъсисчилари


# ᏣᎳᎩ ᏧᎴᎯᏌᏅᎯ.
## CHEROKEE PHŒNIX, AND INDIANS' ADVOCATE.

E. BOUDINOTT, Editor. NEW ECHOTA, WEDNESDAY MARCH 18, 1829. VOL. II.—NO. I

PRINTED WEEKLY BY JNO. F. WHEELER,

AGENTS FOR THE CHEROKEE PHOENIX.

RELIGIOUS.

IMMORTALITY OF THE SOUL.

RELIGION—BY MACKENZIE.

INDIANS.

//“Cherokee Phoenix , and Indian’s Advocate”Nyu Exota.1-сон.1829 йил.18-март


CHEROKEE PHŒNIX.

VOL. I. NEW ECHOTA, THURSDAY FEBRUARY 21, 1828. NO. 1.

EDITED BY ELIAS BOUDINOTT.
PRINTED WEEKLY BY
ISAACH. HARRIS,
FOR THE CHEROKEE NATION.

At $2 50 if paid in advance, $3 in six months, or $3 50 if paid at the end of the year.

To subscribers who can read only the Cherokee language the price will be $2,00 in advance, or $2,50 to be paid within the year.

Every subscription will be considered as continued unless subscribers give notice to the contrary before the commencement of a new year.

The Phoenix will be printed on a Super-Royal sheet, with type entirely new procured for the purpose. Any person procuring six subscribers, and becoming responsible for the payment, shall receive a seventh gratis.

Advertisements will be inserted at seventy-five cents per square for the first insertion, and thirty-seven and a half cents for each continuance; longer ones in proportion.

☞All letters addressed to the Editor, post paid, will receive due attention.

A GOOD CONSCIENCE.

What is there, in all the pomp of the world, the enjoyments of luxury, the gratification of passion, comparable to the tranquil delight of a good conscience? It is the health of the mind. It is a sweet perfume, that diffuses its fragrance over every thing near it without exhausting its store. Unaccompanied with this, the gay pleasures of the world are like brilliants to a diseased eye, music to a deaf ear, wine in a [illegible] fever, or dainties in the languor of an ague. To lie down on the pillow, after a day spent in temperance, beneficence, and piety, how sweet it is! How different from the state of ...

CONSTITUTION OF THE CHEROKEE NATION,

*Formed by a Convention of Delegates from the several Districts, at New Echota, July 1827.*

We, the Representatives of the people of the Cherokee Nation in Convention assembled, in order to establish justice, ensure tranquility, promote our common welfare, and secure to ourselves and our posterity the blessings of liberty; acknowledging with humility and gratitude the goodness of the sovereign Ruler of the Universe, in offering us an opportunity so favorable to the design, and imploring his aid and direction in its accomplishment, do ordain and establish this Constitution for the Government of the Cherokee Nation.

ARTICLE I.

Sec. 1. The Boundaries of this nation, embracing the lands solemnly guarantied and reserved forever to the Cherokee Nation by the Treaties concluded with the United States, are as follows; and shall forever hereafter remain unalterably the same—to wit—Beginning on the North Bank of Tennessee River at the upper part of the Chickasaw old fields; thence along the main channel of said river, including all the islands therein, to the mouth of the Hiwassee river, thence up the main channel of said river, including Islands, to the first hill which closes in on said river, about two miles above Hiwassee old Town; thence along the ridge which divides the waters of the Hiwassee and little Tellico, to the Tennessee river at Tallassee; thence along the main channel, including Islands, to the junction of the Cowee and Nanteyalee; thence along the ridge in the fork of said river, to the top of the blue ridge; thence along the blue ridge to the Unicoy Turnpike road; thence by a straight line to the main source of the Chestatee; thence along its main channel, including Islands, to the Chattahoochy; and thence down the same to the Creek boundary at Buzzard Roost; thence along the boundary line which separates this and the Creek Nation, ...

... readmission. *Moreover*, the Legislature shall have power to adopt such laws and regulations, as its wisdom may deem expedient and proper, to prevent the citizens from monopolizing improvements with the view of speculation.

ARTICLE II.

Sec. 1. The Power of this Government shall be divided into three distinct departments;—the Legislative, the Executive, and the Judicial.

Sec. 2. No person or persons, belonging to one of these Departments, shall exercise any of the powers properly belonging to either of the others, except in the cases hereinafter expressly directed or permitted.

ARTICLE III.

Sec. 1. The Legislative Power shall be vested in two distinct branches; a Committee, and a Council; each to have a negative on the other, and both to be styled, the General Council of the Cherokee Nation; and the style of their acts and laws shall be,

"Resolved by the Committee and Council in General Council convened."

Sec. 2. The Cherokee Nation, as laid off into eight Districts, shall so remain.

Sec. 3. The Committee shall consist of two members from each District, and the Council shall consist of three members from each District, to be chosen by the qualified electors of their respective Districts for two years; and the elections to be held in every District on the first Monday in August for the year 1828, and every succeeding two years thereafter; and the General Council shall be held once a year, to be convened on the second Monday of October in each year, at New Echota.

Sec. 4. No person shall be eligible to a seat in the General Council, but a free Cherokee Male citizen, who shall have attained to the age of twenty-five years. The descendants of Cherokee men by all free women, except the African race, whose parents may be or have been living together as man and wife, according to the customs and laws of this Nation, shall ...

AMERICAN ANTIQUARIAN SOCIETY WORCESTER

PRESENTED TO THE
American Antiquarian Society,
By Isaiah Thomas, Esq.
Worcester, July 1 1830

"Cherokee Phoenix" 1-сон.1828 йил .21 февраль




“Cherokee Phoenix” матбуоти  ва нашриёти уйига тегишли булган нашр ускуналари



“Terra of Indians” Хинду қабилалари яшаган ҳудудлар харитаси




”Seal of The Cherokee Nation.Sept.6.1839” Чероки қабилалари муҳри